ХАЛҚИМИЗ ЖАСОРАТИ МАНГУ ЯШАЙДИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 90 (3062).

10 май ДУШАНБА 1965 йил

Баҳоси 2 тийин.

ҒОЛИБ ХАЛҚНИНГ ШОНЛИ БАЙРАМИ

ҒАЛАБА КУНИ ШАРАФИГА МОСКВА ҚИЗИЛ МАЙДОНИДА ҲАРБИЙ ПАРАД

Қизил майдон узра ғалаба қанот қоқмоқда. Бугун майдонда баҳорнинг мўсаффо ҳавоси, шоду-хуррамлик кезади, ҳамма тантаналарнинг бошланишини сабрсизлик билан кутади.

Майдоннинг либоси ҳам байрамга муносиб даражада чиройли ва кўркам. Бинолардан бирига «9 Май» санаси ва «Ғалаба куни» сўзлари ёзиб қўйилган. «1945» ва «1965» рақамлари йигирма йилдан буён тинч ҳаёт кечираётганлигимиздан далолат бериб туради. Мана шу йигирма йил ичида тугилган кишилар уруш кунларида портлаган бомбаларнинг, ёрилган снарядларнинг, халқ бошдан кечирган машаққатларнинг дарагини ўз ота-оналари оғзидан эшитаяптилар, холос. Уруш йилларидаги воқеалар хотираси дилларга маҳкам ўрнашиб қолган. Мамлакат ҳозирги ва келажак авлодларнинг озодлигини, бахт иқболини қандай қурбонлар эвазига қаттиқ туриб сақлаб қолганлигини совет кишилари асло унутмайдилар.

Жангчилар қизил байроқ кўтариб жангга кирар эдилар. ГУМнинг олд томонига улуғ Ленининнинг портрети солинган байроқ ўрнатиб қўйилибди. «Коммунизм ғалабаси сари, олға!» — деган шиор кўзга яққол ташланади. Партияга, халққа қарата айтилган қуйидаги табриклар Қизил майдон марказида чўғдек товланади: «Яшасин Ленин тузган Совет Иттифоқи шонли Коммунистик партияси!», «Коммунизмнинг шавкатли қурувчиси, ер юзида тинчлик ва барча кишиларнинг бахт-саодати учун мард курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!».

Мана шундай улуғ айёмда қадимги майдоннинг ҳуснига ҳусн қўшиб юборган шиорлар совет кишиларининг фикр-ўйларини, орзу-истакларини акс эттириб туради. «Йигирма йил муқаддам герман фашизми устидан буюк ғалаба қозонган совет жангчилари, партизанлари, ишчилари, колхозчилари, интеллигенциясининг қаҳрамонона жасорати халқлар хотирасида абадий яшай берсин!» деган сўзлар пойтахтнинг чет эллик меҳмонларига тушунарли бўлсин учун кўп тилларга таржима қилиб қўйилган.

...Қирқ биринчи йилда совет солдатлари партия чақириғи билан Қизил майдондан фронтга йўл олиб, яна худди шу ернинг ўзига ғалаба билан қайтиб келган эдилар. Улар қирқ бешинчи йилда таслим бўлган фашистларнинг юзлаб байроқларини Мавзолей остонасига келтириб ташладилар. Совет халқи ва унинг армияси жаҳонни инсониятга таҳдид солиб турган мудҳиш хавф-хатардан қутқариб қолдилар. Бизнинг ғалабамиз бошқа мамлакатлардаги ишчилар синфини кескин революцион курашга руҳлантириб юборди, миллий озодлик ҳаракатининг мисли кўрилмаган миқёсларда юксалиб кетишига сабаб бўлди.

Халқимиз урушдан жаҳондида бўлиб, руҳи тағин ҳам бақувватроқ бўлиб чиқди. Коммунистик партиянинг ташкилотчилик роли уруш вақтида тўла кучи билан намоён бўлди. Енимизда социалистик ҳамдўстлик оиласини ташкил этган мамлакатлар бунёдга келганлиги учун биз ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ бўлиб қолдик.

Фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллигини бугун байрам қилар экамиз, биз, тириклар, планетамизда тинчлик бўлиши учун жавобгармиз. Биз, Октябрь ғалабаларини шиддатли жангларда қаттиқ туриб сақлаб қолган кишилар, буни бошқа ҳар кимга нисбатан яхшироқ тушуниб турибмиз.

...Қизил майдонни бошидан охиригача одамлар шовқини тўлдиради. Гранит минбарларга қарасангиз, ўтган уруш ветеранларининг кўкракларидаги жанговар мукофотлар минглаб учқун сингари товланади. Табассумлар, гуллар — мана шуларнинг ҳаммаси байрамнинг умумий симфониясига ярашиб тушмоқда.

Пойтахтдаги фабрика ва заводларнинг илғорлари, колхозчилар, олимлар, ёзувчилар, рассомлар минбарлар томон келишмоқда. Уларнинг кўпи жангдаги жасоратлари ёки шавкатли меҳнатлари билан фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабани тайёрлашган.

Минбарларда кўпгина мамлакатлардан келган делегациялар ва коммунистларнинг вакиллари, социалистик мамлакатлардан ҳамда Франция, Англия, АҚШ, кўпгина бошқа давлатлардан келган касаба союз, хотин-қизлар, ёшлар ва бошқа жамоат ташкилотларининг арбоблари, уруш ветеранлари туришибди.

Дипломатик корпус аъзолари, СССРдаги чет эл элчихоналарининг ҳарбий, ҳарбий денгиз ва ҳарбий ҳаво атташелари ҳам шу ерда.

Мавзолейнинг марказий трибунасида Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. И. Микоян, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Н. М. Шверник, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, Ю. В. Андропов, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков ўртоқлар турибдилар. Улар билан бирга социалистик мамлакатлар делегацияларининг раҳбарлари: Болгариядан — Б. Велчев, Венгриядан — М. Айтаи, Вьетнам Демократик Республикасидан — Нгием Суан Пем, Германия Демократик Республикасидан — В. Штоф, Хитойдан — Линь Фэн, Корея Халқ Демократик Республикасидан — Со Чер, Куба Республикасидан — Мануэль Лусардо Гарсиа, Монголия Халқ Республикасидан — Ц. Дугэрсурэн, Польшадан — Р. Стшелецкий, Руминиядан — Э. Боднэраш, Чехословакиядан — З. Фирдингер, Югославиядан — Л. Колишевский, Жазоирдан — Х. Бумедьен ва бин Маҳжублар бор эди. Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлиси президиумининг раиси Георгий Трайков, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Германия Демократик Республикаси мудофаа миллий кенгашининг секретари Эрих Хонеккер ҳам шу ерда турибди.

(Давоми иккинчи бетда)

ҲАММА МАМЛАКАТЛАРНИНГ ҲУКУМАТЛАРИГА, ПАРЛАМЕНТЛАРИГА ВА ХАЛҚЛАРИГА

Фашистлар Германияси устидан ғалаба қозонилган куннинг йигирма йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет Иттифоқи ҳукуматининг

МУРОЖААТИ

Бундан йигирма йил муқаддам тарихдаги энг оғир ва қонли уруш тугади. Жаҳон реакцияси қора кучларининг маҳсули, ваҳшийликнинг ва инсониятга қарши жиноятларнинг қўйқа ифодаси бўлган гитлерчилар фашизми маглубиятга учратилди. Фашистлар Германияси ҳеч сўзсиз таслим бўлди.

Фашизмга қарши курашнинг асосий оғирлигини ўз устига олган совет халқининг тарихий жасорати бутун дунёга маълум. Гитлерчилар армиясининг асосий кучлари совет-герман фронтида янчиб ташланди. Биз «енгилмаймиз» деб гердайиб юрган фашист ғалаларининг умри шу фронтда шармандаларча тугади. Маглубиятга учратилган рейхстаг устига қаҳрамон совет жангчилари ғалаба байроғини тикдилар.

Герман фашизми ва унинг иттифоқчилари тор-мор келтирилганлиги барча тинчликсевар халқларнинг буюк ғалабасидир. Бу ғалаба антигитлерчилар коалицияси давлатларининг, партизанларнинг, Қаршилик кўрсатиш халқ ҳаракати жангчиларининг, барча антифашистлар, демократлар, ватанпарварларнинг, миллий озодлик йўлида қўрашувчиларнинг бирлашган куч ва ғайрати билан вужудга келтирилди. Шонли ғалабанинг 20 йиллиги нишонланаётган шу кунда совет кишилари душман устидан қозонилган ғалабани кўлга киритганларнинг ҳаммасини қадрламоқдалар. Улар антигитлерчилар коалицияси мамлакатлари армияларининг жангчиларини, партизанларни, Қаршилик ҳаракатида қатнашиб, умумий душманга қарши қаҳрамонларча жанг қилганларнинг ҳаммасини алоҳида шарафламоқдалар. Улар ўз Ватанини нацизмдан озод қилишга ҳисса қўшган ва фашизмга қаршилик кўрсатиш ҳаракатида қатнашган мард немис курашчиларини табрикламоқдалар.

Улуғ ғалаба анча қимматга тушди. Эллик миллион киши ўлдирилди, ўн миллионлаб кишилар майиб бўлиб қолди, бевалар ва етимлар кулфат ва азоб тортдилар — иккинчи жаҳон уруши инсониятга мана шундай талафот етказди. Уруш 20 миллиондан кўпроқ совет кишисининг ёстиғини қуритди. Фашист йиртқичлар 1700 шаҳарни вайрон қилдилар. 70 мингдан кўпроқ қишлоқни ўт қўйиб ёндирдилар. Булар биз берган қурбонларни эслатувчи баъзи фактлардир, холос.

Польша, Югославия, Чехословакия, Франция, Англия, Греция, Бельгия, Норвегия, Дания ва бошқа кўпгина мамлакатларнинг халқларга ҳам гитлерчилар оғир талофатлар етказдилар ва буларнинг бошига катта кулфатлар солдилар. Гитлерчилар қамоқ лагерларида ҳарбий асирларни, хотинларни, қизларни, болаларни йиртқичларча шафқатсизлик билан қирган, бутун Европада гитлерчиларнинг ажал фабрикаларидаги печлар бўрқираб тутаб турган даҳшатли вақтни бу халқлар асло унутмайдилар. Совет шаҳарлари ва қишлоқларининг вайроналари, Освенцим ва Бухенвальд, Польша пойтахти Варшаванинг ва Англиядаги Ковентри шаҳрининг, чех қишлоғи Лидиценинг ва француз қишлоғи Орадурнинг вайроналари фашизмнинг мудҳиш жиноятларини яққол кўрсатувчи фактлар бўлиб, инсоният хотирасида сақланиб қолади.

Халқлар бугунги кунда ҳозирги вақт ва келажак учун хулосалар чиқариб олиш мақсадида ўтган урушнинг даҳшатли воқеаларини эсга олмоқдалар.

Иккинчи жаҳон уруши шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда жаҳонга ҳукмрон бўлиб олиш учун ҳар қандай урниш буни даъво қилувчиларнинг қақшатғич маглубиятга учраши билан муқаррар тамомланади. Бу Гитлер йўлидан боришга яна уринмоқчи бўлганларнинг ҳаммаси учун жиддий огоҳлантиришдир. Ўз ҳукмронлигини ўрнатмоқчи бўлиб инсониятни жаҳон уруши гирдобига солишга тайёрланаётганларнинг ҳаммасини халқлар ер билан яксон қиладилар.

Иккинчи жаҳон уруши шуни кўрсатдики, халқларнинг социал тараққиёт ва миллий озодлик йўлидаги улуғ ҳаракатини тўхтатиб қола оладиган куч ҳозирги дунёда йўқ. «Коминтерга қарши пакт» ниқоби остида кимлар урушни тайёрлаганлиги ва бошлаганлиги, кимлар агрессорларни гиж-гижлаганлиги, социализмни, халқаро революцион ҳаракатни тор-мор келтириш планларини тузганлиги яхши маълум. Бироқ, урушнинг натижасини халқлар ҳал қилиб берди, халқлар тараққиёт душманларининг режаларини улоқтириб ташлади.

Фашизм устидан қозонилган жаҳоншумул тарихий ғалаба жаҳоннинг сиёсий қиёфасини ўзгартириб юборди. Фашизмга қарши кураш ва халқ демократик революциялари натижасида Ғарбда ва Шарқда янги социалистик давлатлар вужудга келди, жаҳон социализм системаси тузилди. Социализм бу тузумнинг енгилмаслигини, бу тузум ер юзида мустаҳкам ўрнашиб олганлигини ва герман фашизми эришмоқчи бўлиб бели синиб кетишига сабаб бўлган мақсадни ҳозир ҳеч ким ҳам рўёбга чиқара олмаслигини исботлаб берди.

Халқаро реакциянинг зарбдор кучлари — герман фашизми, итальян фашизми ва япон милитаризми — тор-мор келтирилганлиги Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги маълум халқлар миллий озодлик курашининг кўтарилишига жуда кўп жиҳатдан ёрдам берди. Кўп миллионли хитой халқи буюк ғалабага эришди. Янгиданянги мамлакатлар социализм йўлига тушиб олаберадилар. Тарихий ривожланишнинг қонуни мана шу.

Иккинчи жаҳон уруши халқларга бошқа бир нарсани ҳам ўргатди. Бу урушни тайёрлаш ва бошлаб юборишнинг бутун тарихи шуни кўрсатиб турибдики, уруш хавфи яқинлашиб келаётганида унга қарши актив ҳаракатлар қилишни андаккина сусайтиришнинг ўзи агрессорларни рағбатлантириш демакдир. Гитлерчилар фашизмининг жинояткорона авантюрасига йўл қўймаслик мумкин бўлурмиди? Ҳа, агар тинчликсевар кучлар жипслашиб актив ҳаракат қилганларида, Ғарбдаги муайян доиралар амалда агрессорларни рағбатлантириб турган ва аслида ўз мамлакатларининг миллий манфаатларига қарши чиқаётган соҳта тинчитувчиларнинг гапларига қулоқ солмаганларида эди, гитлерчилар фашизмининг жиноятқорона авантюрасига йўл қўймаслик мумкин бўлар эди. Ҳа, агар Совет Иттифоқи талаб қилганидек, коллектив хавфсизликнинг мустаҳкам системаси ўз вақтида вужудга келтирилганида эди, бу авантюра йўл қўймаслик мумкин бўлур эди.

Инсоният бошига термоядро ҳалокатини соладиган янги жаҳон урушининг қандай қилиб олдини олиш керак, деган масала ҳозир жаҳон олдида турибди.

Илмий-техника соҳасидаги революция инсониятнинг қўлига қудратли кучларни бериб қўйди: инсон атом ядросининг сир-асорини билиб олди, космос олисликларини штурм қила бошлади. Инсон ақл-заковатининг буюк муваффақиятлари яратувчилик мақсадларига қаратилиши лозим.

Бироқ, ҳозир аҳвол шундай бўлиб қолдики, гарчи планетада ялпи қирғин қуроли ҳаддан ташқари кўпайиб кетган бўлса ҳам, янги, тағин ҳам кўпроқ даҳшатли воситалар яратилиб турибди. Қуролланиш пойгаси тўхтамаётир. Жаҳонининг гоҳ бир районида, гоҳ иккинчи районида кескинлик ўчоқлари пайдо бўлмоқда, жаҳон урушига айланиб кетиши мумкин бўлган маҳаллий урушлар бошлаб юборилмоқда.

Вьетнамдаги воқеалар ҳозирги кунда ҳамма мамлакатлардаги халқларни ҳақли равишда ҳаяжонга солмоқда. Бутун дунёнинг кўзи олдида АҚШнинг қуролли кучлари Жанубий Вьетнамда интервенция қилмоқдалар, Вьетнам Демократик Республикасининг территориясига ваҳшийларча бомбалар ёғдирмоқдалар. Бу ҳаракатларга тўғридан-тўғри қилинаётган агрессия дейишдан бўлак баҳо бериб бўлмайди. Социалистик мамлакатлар, барча тинчликсевар халқлар Американинг агрессиясини дарҳол тўхтатишни, Америка қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетишни, бутун Вьетнам халқининг эркинлигини ва мустақиллигини таъминлаб бериш лозим бўлган Женева битимларига оғишмай амал қилишни қатъий талаб этмоқдалар.

Кариб денгизи районида кескинликнинг хатарли ўчоғи сақланиб келмоқда, бу районда қаҳрамон Кубага қарши ғғвогарликлар қилиш тўхтатилмаётир, АҚШ қўшинлари Доминикана Республикасига интервенция қилдилар, Конго, Ангола, Мозамбикда ва бошқа баъзи мамлакатларда мустамлакачилар халқларнинг миллий озодлик ҳаракатини қурол кучи билан бостиришга уринмоқдалар. Лекин барбод бўлган мустамлакачилик империяларини бомбалар ҳам, газлар ҳам, напалм ҳам тиклаб бера олмайди. Ривожланаётган мамлакатлар ва халқлар ўз ғалабаларини мустаҳкамлаш йўлидан сира тўхтамай олға бормоқдалар ва уларнинг ёруғлик, тараққиёт, миллий ва социал озодлик сари қилаётган ҳаракатини ҳеч ким тўхтатиб қололмайди.

Халқлар уруш сабоқларини ҳисобга олиб, Европа марказидаги воқеаларнинг ривожланишини диққат билан кузатиб турибдилар. Бунинг сабаби ҳам маълум. Герман милитаризмининг агрессиясига икки марта дучор бўлган мамлакатларга Ғарбий Германия реваншчилари яна таҳдид қилмоқдалар. Реваншчилар Европадаги мавжуд чегаралар билан ҳисоблашишни истамаётирлар. Улар ядро қуролини қўлга киритишга интилмоқдалар.

Агрессия ва ҳарбий авантюралар йўлига фурсатни қўлдан бермай маҳкам ғов солиш керак. Бугунги кунда халқлар ўтган урушни эслаб, мана шундай асосий хулосага келмоқдалар.

Бизнинг замонамизда бу — жуда реал ва бемалол ҳал қилиш мумкин бўлган вазифадир. Жаҳондаги вазият иккинчи жаҳон уруши арафасидаги вазиятдан бутунлай фарқ қилади. Термоядро уруши бизнинг планетамизга ўтмишдаги ҳамма урушларнинг оқибатлари билан асло тенглаштириб бўлмайдиган офатлар келтириши мумкинлигини яхши тушуниб турган миллион-миллион кишилар тинчлик учун курашмоқдалар. Социалистик давлатлар улуғ ҳамдўстлигининг жуда катта моддий ва сиёсий қуввати тинчлик ишига хизмат қилдирилмоқда. Осиё, Африка, Европа ва Лотин Америкасидаги тинчликсевар давлатлар, капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфи, меҳнаткашлар жаҳон уруши хавфига қарши курашга тобора кўпроқ ҳисса қўшмоқдалар.

Фашистлар Германияси тор-мор келтирилганидан кейин ўтган йигирма йил ичида тинчликсевар кучлар ўткир халқаро жанжалларни тинч йўл билан бартараф қилишга ва милитаризм кучларини жиловлаб қўйишга неча марталаб эришдилар. Бугунги кунда ҳам шундай қилиш мумкин ва лозим.

Тинчлик тақдири учун буюк жавобгарлик давлатларнинг ҳукуматлари ва парламентлари зиммасида турибди. Улар ҳеч бир халқ урушни истамаётганлиги, термоядро ҳалокатида қурбон бўлишни истамаётганлиги билан ҳисоблашмасликлари мумкин эмас.

Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги воқеаларнинг такрорланишига йўл қўйиш ярамайди. Уша вақтда коммунизмга нафрат билан қарайбериб кўзини шира босиб қолган Ғарбдаги муайян доиралар ўз мамлакатларининг ҳақиқий манфаатларини тушуниш қобилиятидан маҳрум бўлиб қолган эдилар ва герман фашизми билан тил бириктирган эдилар. Уша вақтдаги шармандали «Мюнхен сиёсати» агрессорга йўл очиб берди. Бундай сиёсат нимага олиб келганлиги маълум: бу сиёсат, аввало, шу сиёсат ташаббускорларининг бошига калтак бўлиб тушди.

Антигитлерчилар коалицияси мамлакатлари уруш йилларида бир сафда туриб умумий душманга қарши курашдилар. Социал тузумдаги тафовутлар бунга тўсқинлик қилмади. Тинч-тотув яшаш сиёсатини амалда ҳамма ҳукуматлар ўтказаберишни учун ҳозир ҳам капиталистик давлатлар ва социалистик давлатлар социал тузумдаги тафовутлар бунга ғов бўлолмайди. Гитлерчи агрессорларга қарши биргаликда олиб борилган курашда сафдош бўлган баъзи давлатларининг ҳукуматлари ўзларини уруш йилларида бир-бирларига боғлаб турган ҳамкорлик алоқаларини узиш йўлига тушиб олиб, халқаро ишларда шундай йўл тутаётганликларини тарих ҳеч қачон кечирмайди. Совет Иттифоқи халқаро хавфсизликни таъминлаш ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлидаги куч ва ғайратларни бирлаштиришни, бошқа мамлакатлар ва халқларнинг ишларига аралашишга йўл қўйиб бўлмасликни эътироф этишни, давлатларнинг бир-бирларининг қонуний манфаатларини ҳурматлашларини изчиллик билан талаб қилмоқда.

Совет Иттифоқи ҳамма мамлакатларнинг ҳукуматларини кучларнинг нисбатига ва ядро асридаги урушнинг келтириши мумкин бўлган оқибатларига баҳо беришда реализм йўлидан боришга, янги жаҳон уруши хавфини йўқотмоқ учун амалий чоралар кўришга яна чақиради.

Халқлар ҳукуматларнинг халқаро вазиятни соғломлаштириш мақсадида қатъий чоралар кўришини кутмоқдалар. Ҳал этилмаган проблемаларни тинч бартараф қилишга сўзда эмас, балки амалда ўтиш ҳукуматларнинг ўзига боғлиқ. Халқлар номидан иш кўраётган жаҳондаги ҳамма мамлакатларнинг парламентлари зиммасида катта масъулият турибди.

Ўз навбатида Совет Иттифоқи ялпи тинчлик ва халқлар хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб зарур чораларнинг ҳаммасини кўришга ўзининг тайёр эканлигини яна бир марта билдиради. Совет Иттифоқи улуғ Ленин васиятларига амал қилиб, тинчлик ишини ҳимоя қилиб келди ва ҳимоя қилаберади, жаҳон урушининг олдини олиш учун қатъият билан курашаберади. Давлатимизнинг тинчликсевар ҳаракатларига ҳеч ким шак-шубҳа қилмай қўяқолсин. Лекин шу билан бирга, давлатимиз агрессия кучларига қақшатғич зарба беришга маҳкам бел боғлаганлигига ҳам ҳеч ким гумон назари билан қарамасин!

Халқлар агрессив кучларни ўз вақтида тўхтатиб қолмоқ учун уларга биргаликда зарба беришда жипслашишлари лозим. Тинчлик учун курашни асло сусайтириб бўлмайди. Уруш халқларга ўзини сездирмай яқинлашиб келишини унутмаслик керак. Бунга биринчи ва иккинчи жаҳон урушларининг бошланиб кетиш тарихи далил бўла олади.

Фашистлар асоратига қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг қудратли руҳи, бу ҳаракатнинг мардлиги, милитаризмга ва урушга нафрати, тинчликка ва эркиликка бўлган чексиз садоқати ҳозирги кунда ҳам тинчлик учун курашувчиларнинг сафларида барқарор бўлсин! Дунёқарашлардаги, сиёсий ва диний эътиқодлардаги тафовутлар миллион-миллион кишиларни тинчлик учун курашнинг кенг фронти сафларида жипслаштиришга тўғоноқ бўлолмайди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати ҳамма мамлакатларнинг халқларига мурожаат қилиб, уларни тинчликни ҳимоя қилиш йўлида актив ҳаракат қилишга, ўз сафларини жипслаштиришга, термоядро урушининг хавфини ҳозирча тушуниб олмаган кишиларнинг ҳаммасини курашга тортишга чақиради.

Гитлеризм устидан қозонилган ғалабанинг йигирма йиллиги уруш ўчоқларини тугатиш учун курашнинг кучайтирилиши билан нишонланиши лозим.

Аввало, АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясига чек қўйиш зарур. Вьетнам халқи ўз тақдирини четдан ҳеч кимни аралаштирмай ўзи ҳал қиладиган бўлсин.

Доминикана Республикаси, Конго, Ангола, Мозамбик халқларига ва озодлик ҳамда миллий мустақиллик учун курашаётган бошқа мамлакатларнинг халқларига қарши олиб борилаётган мустамлакачилик урушларини тинчликсевар кучларнинг ёппасига актив ҳаракат қилиши билан дарҳол тўхтатишга эришиш зарур. Эски ва янги мустамлакачилик ер юзида қолмаслиги керак!

Гитлеризм устидан қозонилган ғалабанинг йигирма йиллиги кунида биз иккинчи жаҳон урушидан мерос бўлиб қолган ва ҳал этилмаган проблемаларни бартараф қилмоқ учун кўпроқ куч ва ғайрат сарфлашга чақирамиз.

Германия масаласини тинч бартараф қилишга йўл очиш керак. Тинч-тотув яшаш ва турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг савдо-сотиқ ишида ҳамкорлик қилиши принциплари асосида Европа хавфсизлигининг мустаҳкам системасини вужудга келтиришга эришиш керак.

Совет Иттифоқи ядроли давлатларнинг ҳаммасини ядро қуролини қўлланишдан воз кечдик деб бутун дунё олдида тантанали ваъда беришга чақиради. Бу қуролнинг тарқалишига йўл қўймаслик, ядро билан қуролланиш пойгасига тобора кўпроқ мамлакатларнинг тортилишига йўл қўймаслик зарур. Жаҳоннинг турли районларини ядросиз зоналарга айлантириш планларини кўпгина ҳукуматлар ва жамоатчилик доиралари таклиф қилмоқдалар, биз бу планларни қўллаб-қувватлаймиз. Ўзга мамлакатларнинг территорияларидаги чет эл ҳарбий базаларини тугатиш, йирик давлатларнинг ҳарбий бюджетларини қисқартириш, бир-бирига қарама-қарши бўлиб турган ҳарбий гуруҳлар ўртасида ҳужум қилмаслик пакти тузиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш сингари чоралар ҳам мустаҳкам тинчликка йўл очиб беради. Бу йўлда сарфланаётган барча куч ва ғайратларнинг якунловчи мақсади — ёппасига ва батамом қуролсизланишга эришишдир.

Гитлерчилар Германияси устидан қозонилган буюк ғалабанинг йигирма йиллиги нишонланаётган тантанали кунда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати ҳамма ҳукуматларни, парламентларни ва халқларни тинчликни ҳимоя қилиш йўлида актив ҳаракатлар қилишга яна бир марта даъват қиладилар.

Гитлеризмга қарши кураш фронтларида ҳалок бўлган солдатларнинг қабрлари устида абадий шуҳрат олови ёниб турибди. Соф виждонли кишиларнинг қалбларида милитаризм ва агрессияга, зулм ва ваҳшийликнинг ҳамма формаларига қарши абадий нафрат олови ёниб турибди.

Инсониятнинг эртаги куни қандай бўлиши ҳукуматлар ва халқларнинг бугунги ҳаракатларига боғлиқ. Келажак авлодларнинг тақдири ҳозирги авлодларнинг қўлида.

Тинчлик кучлари уруш кучларига қараганда анча қудратлидир. Тинчлик кучлари, албатта, енгиши керак.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ДАВЛАТИ РАҲБАРЛАРИГА ЮБИЛЕЙ МЕДАЛЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян Коммунистик партия ва Совет давлатларининг раҳбарларига 9 майда Кремлда «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг йигирма йиллиги» юбилей медалларини топширди.

Медаллар Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Н. М. Шверник, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, Ю. В. Андропов, Б. Н. Пономарёв, А. П. Рудаков ўртоқларга, шунингдек СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари В. Э. Дimmиц, М. А. Лесечко, П. Ф. Ломако, И. Т. Новиков, Л. В. Смирновларга топширилди.

Ўртоқ А. И. Микоянга юбилей медалини КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев топширди. (ТАСС).

Тошкент. В. И. Ленин номли Қизил майдонда ҳарбий парад.

ҒОЛИБ ХАЛҚНИНГ ШОНЛИ БАЙРАМИ

(Бошы биринчи бетда).

Мавзолей трибуналарида гитлерчилар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллиги байрамида қатнашиш учун СССР Мудофаа министрлигининг таклифига биноан келган ҳарбий делегацияларнинг бошлиқлари турибдилар.

Мавзолей трибунасида Совет Иттифоқининг маршаллари И. Х. Баграмян, А. А. Гречко, А. И. Еременко, Г. К. Жуков, М. В. Захаров, Н. И. Крылов, К. С. Москаленко, К. К. Рокоссовский, В. Д. Соколовский, авиация бош маршали К. А. Вершинин, флот адмирали С. Г. Горшков, бронетанк қўшинлари бош маршали П. А. Ротмистров ва бошқа ҳарбий бошлиқлар, шунингдек номдори гражданлар уруши вақтидаёқ машҳур бўлган «кекса гвардия» намояндалари, Совет Иттифоқи маршаллари С. М. Будённий, К. Е. Ворошилов, С. К. Тимошенколар турибди.

Трибуналарда хозир бўлганлар орасида донг чиқарган учувчиларимиз — уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари авиация генерал-полковники А. И. Покришкин ва авиация генерал-лейтенанти И. Н. Кожедуб ҳам бор.

...Курант бонг уради. Кремлнинг Спас башнясидаги соат миллари роса 10 бўлганини кўрсатади. Парадни қабул қилиб олувчи СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский усти очиқ машинада майдонга кириб келади. Парад қўмондони армия генерали А. П. Белобородов унга пешвоз чиқиб, Москва гарнизони қўшинлари Ғалаба куни шарафига ўтказиладиган парадга шай бўлиб турганликлари ҳақида министрга рапорт беради.

«Сизларни Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг йигирма йиллик байрами билан табриклайман!» — дейди Маршал Р. Я. Малиновский, текис саф тортиб турган қўшинлар олдида тўхтаб. Бунга жавобан бир оғиздан айтилган «ура!» садолари янграйди.

Р. Я. Малиновский қўшинларни айланиб чиққач, Мавзолей минбарига кўтариладн ва нутқ сўзлайди.

Ўртоқ Р. Я. МАЛИНОВСКИЙ нутқи

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, партизан ўртоқлар!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари!

Муҳтарам чет эллик меҳмонларимиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати номидан ҳамда уларнинг топширувига биноан, сизларни катта умумхалқ байрами — фашист агрессорлар устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллиги билан қизғин табриклайман.

Йигирма йил муқаддам Улуғ Ватан уруши ғалаба билан тугаллангач, таслим бўлган фашист вермахтининг байроқлари мана шу ерга, Қизил майдонга келтирилиб, Владимир Ильич Ленин Мавзолейи олдида ерга ташланди.

Ватанимиз тарихида Улуғ Ватан урушидан ҳам қаттиқроқ ва оғирроқ имтиҳон бўлган эмас эди.

Аввал Европадаги бир қанча давлатларни босиб олган гитлерчи ғалалар ўз зарбасини Совет Иттифоқи устига ёғдирди. Меҳнаткашларнинг жаҳондаги биринчи ватанини қақшатишни, социалистик тузумни йўқ қилишни ва совет халқларини асоратга солишни ўзига мақсад қилиб ўйган шафқатсиз ва кучли ёв бизнинг мамлакатимизга уруш бошлаб келди. Лекин бизнинг Ватанимизга қарши қилич кўтарган ҳар бир кимсанинг бошига қандай кун тушган бўлса, гитлерчи босқинчиларнинг бошига ҳам худди шундай кун тушди. Гитлерчи босқинчилар совет халқининг қўлидаги қиличнинг зарбасидан шармандаларча ғўрга кирди.

Бизнинг армиямиз урушнинг дастлабки давридаги даҳшатли жанглардан омон чиқди, сўнгра эса, ҳужум ҳаракатларини мисли кўрилмаган миқёсларда кенг авж олдириб, жонажон тупроғимизни фашист оккупантларидан тозалади.

Ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлган армиямиз Европадаги асоратга солиб қўйилган халқларнинг гитлерчилар истибдодидан халос бўлиб олишига ёрдам берди ва иттифоқчи давлатларнинг армиялари билан биргаликда фашист йиртқичини ўз уясида ўлдириб, саранжомлади. Фашизмни тор-мор келтириш ишига ҳал қилувчи ҳисса қўшган халқимизнинг ва унинг Қуролли Кучларининг мислсиз жасоратини келажак авлодлар миннатдорчилик билан мангу сақлайдилар. Совет халқи япон милитаристларига қарши урушда ўзининг иттифоқчилик бурчини шараф билан адо этди.

Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалаба совет ижтимоий тузумининг устунлигини, социалистик давлатнинг тош метиндай мустаҳкамлигини ва ҳаётий қобилиятини, Ватанимиз халқларининг маънавий-сиёсий бирлигини, марксча-ленинча идеяларнинг енгилмас кучини кўрсатувчи энг ёрқин далил бўлди.

Совет жангчиларининг дунёни қойил қолдирган ғоявий ва жанговар фазилатлари, уларнинг партия ишига садоқати, букилмас иродаси, мардлиги ва қаҳрамонлиги, совет ҳарбий санъатининг устунлиги, командирлар билан сиёсий ходимларнинг ғоят катта ташкилотчилик қобилиятлари душманга қарши олиб борилган аёвсиз жангларда тўла-тўкис намоён бўлди.

Совет мамлакатининг ичкарисидаги меҳнаткашлар юксак даражада ватанпарварлик кўрсатдилар, Ватан учун ҳар қандай қурбонлар ва машаққатларга бардош беришга тайёр эканликларини намойиш қилдилар. Ишчилар, деҳқонлар, интеллигенция, совет хотин-қизлари, ёшларимиз ўзларининг девкорона меҳнатлари билан гитлерчи босқинчилар устидан қозониладиган ғалабага жангчилар қатори замин яратдилар. Душманнинг орқа томонида довюраклик билан жанг қилган партизанларимизнинг шавкатли ишларини халқлар асло унутмайдилар.

Коммунистик партия совет кишилари фашист-босқинчиларга қарши олиб борган қаҳрамонона курашнинг жони-дили ва ташкилотчиси бўлди. Коммунистик партия Советлар мамлакатининг халқларини бир сафга жипслаштирди, уларнинг ҳамма кучларини душманни тор-мор келтиришга сафарбар этди. Совет кишилари ўз партиясига беҳад ишондилар, мана шу ишонч Ватан учун олиб борилган жангларда уларни ғайратлантириб, уларга янги куч-қувват бахш этиб турди.

Гитлерчи босқинчиларга ва уларнинг иттифоқчиларига қарши урушда биз ёлғиз эмас эдик. Польша, Югославия, Чехословакия, Албания, Болгария, Венгрия, Румния ватанпарварлари, Германия антифашистлари бизнинг жанговар сафдошларимиз эдилар. Совет кишилари қаршилик кўрсатиш антифашист ҳаракати курашчиларининг мардлигига лозим даражада тан берадилар. Совет кишилари Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция, антигитлерчи коалициядаги ҳамма мамлакатлар халқлари ва армияларининг, фашизмни тор-мор келтиришдан иборат умумий ишга қўшган ҳиссасини қадрлайдилар. Хитой халқи япон босқинчиларига қарши қаҳрамонона жанг қилди. Монголия Халқ Республикаси, Корея, Ҳиндихитой, Индонезия ва бошқа мамлакатларнинг халқлари япон агрессорларига қарши фидокорлик билан курашдилар.

Улуғ Ватан урушидаги ғалабани осонликча қўлга киритганимиз йўқ. Совет халқининг миллионмиллион ўғил-қизлари, шу ғалаба йўлида ўз жонларини қурбон қилдилар, қонларини тўкдилар, сиҳат-саломатликларидан айрилдилар. Душман етказган жароҳатлари даволаб олган қудратли Совет давлати ҳозир ўз кучлари айни гуллаб-яшнаган паллада турибди ва Ленин йўлидан комил ишонч билан коммунизм сари бормоқда. Фашизмнинг қора кучлари устидан қозонилган ғалаба Совет Иттифоқининг халқаро миқёсдаги обрўсини тағин ҳам баланд кўтариб юборди, жаҳондаги воқеаларнинг боришига социализмнинг кўрсатаётган таъсирини кучайтирди. Бу ғалаба жаҳон социализм системасининг ташкил топишига, мана шу системанинг ер шарининг учдан бир қисмида каттақатта ютуқларни қўлга киритишига ёрдам берди.

Миллий озодлик ҳаракати кучайиб, ғоят кенг миқёсларга етди, шу ҳаракатнинг берган зарбалари остида империализмнинг мустамлакачилик системаси қулади.

Айни маҳалда уруш натижасида империализмнинг позициялари заифлашиб қолди, унинг энг ваҳший ва босқинчи отряди бўлган гитлерчилар фашизми билан япон милитаризми эса, қақшатғич маглубиятга учради. Бироқ, фактлар шундан далолат бериб турибдики, ўтмиш сабоқлари империалистик лагерь корчалонларига ва, аввало Америка Қўшма Штатларига унчалик кор қилмаганга ўхшайди. Улар халқларнинг социал тараққиёт сари боришини тўхтатиб қўйишга уринб, инсониятга яна уруш бошлаймиз, деб таҳдид солмоқдалар.

Америка Қўшма Штатларининг империалистлари Ғарбий Германия реваншчилари билан шармандаларча тил бириктирди, уларнинг Шарққа янги юриш бошлаш ҳақидаги режаларини рағбатлантирмоқда. Уларнинг ўзига қолса, собиқ гитлерчи генералларнинг қўлига ядро қуролини бериб қўймоқчи.

Америка империалистлари Шарқи-Жанубий Осиёда ҳарбий можароларни авж олдирмоқда, Вьетнам Демократик Республикасига қарши бошлаган агрессиясини ва қаҳрамон Куба халқига қарши ғиҳ-ғиҳ ва ҳаётий қобилиятини тўхтатганини ва ҳаётий қобилиятини, Ватанимиз халқларининг маънавий-сиёсий бирлигини, марксча-ленинча идеяларнинг енгилмас кучини кўрсатувчи энг ёрқин далил бўлди.

Пролетар интернационализми принципларига содиқ бўлган совет халқи қаҳрамон Вьетнам халқига зарур бўлган ёрдамни кўрсатмоқда ва кўрсата беради.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилар эканлар, империалистларнинг кирдикорларини ниҳоятда диққат-эътибор билан кузатиб турибдилар. Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини ошириш, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотини янада мустаҳкамлаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Совет жангчилари ўзларининг шонли жанговар традицияларига амал қилиб, жонажон Ватанни ҳимоя қилиш соҳасидаги ўз муқаддас бурчларини адо этишга ҳамда қардош социалистик мамлакатларнинг армиялари билан қўлни-қўлга бериб, ҳар қандай агрессорни қақшатишга ҳар доим тайёрдирлар.

Герман фашизми устидан буюк ғалаба қозонган совет жангчилари, партизанлари, ишчилари, колхозчилари, интеллигенциясининг қаҳрамонона жасорати халқлар хотирасида мангу яшай берсин!

Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

Яшасин ғалабалар билан шоншуҳрат қозонган шавкатли Совет Қуролли Кучлари!

Яшасин улуғ ва ғолиб совет халқи!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси жонажон Коммунистик партияга шон-шарафлар!

Ура!

* * *

Совет Иттифоқи гимни майдон узра улуғвор янграй бошлар экан, салют бериш учун отилган тўпларнинг садоси гимн куйига қўшилиб кетади.

Қўшма ҳарбий оркестр «Ғалаба марши»ни чалади. Қизил майдонга Ғалаба байроғи олиб кирилади. Улуғ Ватан урушининг алангаси ичра олиб ўтилган ва рейхстаг устига тикилган бу байроқ бутун совет халқи учун тантана рамзидир. Байроқни рейхстагни штурм қилган батальон командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони полковник К. Я. Самсонов кўтариб олган. Унинг икки ёнида Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари запасдаги сержант М. А. Егоров билан запасдаги младший сержант М. В. Кантария келишмоқда. Гитлерчилар Германияси узил-кесил тор-мор келтирилганлигининг символи бўлиб қолган мана шу байроқни рейхстаг устига шу икки азамат тиккан эдилар. Пиёда аскарлар, учувчилар ва денгизчилардан иборат фахрий қоровул Ғалаба байроғига ҳамроҳ бўлиб ўтади.

Уларнинг кетидан дукур-дукур қадам ташлаб ёш барабанчилар келишмоқда.

Тингловчилари минбарлар ёнидан ўтиб бораётган М. В. Фрунзе номидаги Академия Ленин, Қизил Байроқ орденлари ва I даражали Суворов ордени билан мукофотланган. Шу Академия қўйнидан кўпгина атоқли лашкарбошилар, жасур ва тажрибали командирлар етишиб чиққан. 1917 йилда Қизилик саройни штурм қилишда қатнашган, гражданлар ва Улуғ Ватан урушларининг ветерани, Академия бошлиғи Совет Иттифоқи Қаҳрамони армия генерали П. А. Курочкин олдинда келмоқда. У 1945 йилда Москвада ўтказилган Ғалаба парадида ҳам иштирок этган.

В. И. Ленин номли Ленин орденли Қизил Байроқли Ҳарбий сиёсий академия, Ф. Э. Дзержинский номли Ленин ва Суворов орденли Ҳарбий инженерлик академияси, Ленин орденли Қизил Байроқли Бронетанк қўшинлари ҳарбий академиясининг тингловчилари ўтиб боришади.

Марш куйи ўзгаради. В. В. Куйбишев номли Қизил Байроқли Ҳарбий инженерлик академиясининг офицерлари ва генералдари минбарлар ёнидан ўтишмоқда. Улар Порт-Артур мудофаасининг қаҳрамони Р. И. Кондратенко, совет ҳарбий инженери, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Д. М. Карбишев сингари ўз талабаларининг традицияларини ардоқлаб сақлашмоқда.

Химиявий муҳофаза ҳарбий академиясининг тингловчилари дур-кун-дуркун қадам ташлайдилар. Душман маккордир, шунинг учун ҳамма вақт ҳушёр бўлиш керак. АҚШ империалистларининг Ҳиндихитойдаги агрессияси ва улар Жанубий Вьетнамнинг тинч аҳолисига қарши заҳарли моддаларни ишга солганлиги бу гапимизнинг далилидир.

Қизил майдон узра «Тобора баланд учайлик» деган авиация маршининг куйи янграйди. Навбат учувчиларникидир! Урушда шуҳрат қозонган шунқорлар, Ватанимиз тинч осмонининг зийрак қўриқчилари кириб келишмоқда. Қизил Байроқли Ҳарбий ҳаво академияси ўтиб бормоқда. Уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони И. Н. Кожедуб шу Академиянинг талабаларидандир. Совет Иттифоқи Қаҳрамони космонавт учувчи полковник П. И. Беляев мана шу академияда тарбия кўрган. Хозир у, Академиянинг адъюнктидир.

Н. Е. Жуковский номли Ленин орденли Қизил Байроқли Ҳарбий, ҳаво инженерлик академиясининг тингловчилари «Ишонаман дўстлар» деган марш-қўшиқ садолари остида қадам ташлаб келишмоқда. Донгдор фазокорларимиздан Ю. Гагарин, Г. Титов, П. Попович, А. Николаев, В. Биковский, А. Леонов, В. Николаева-Терешкованлар мана шу академияда ўқишади. СССР космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Б. М. Комаров академияни тамомлаб чиқди. Космос қаҳрамонлари бугун мана шу ерда, Мавзолей олдида турибди.

Ленин орденли РСФСР Олий Совети номидаги Москва умумқўшин командирлари тайёрлаш Қизил Байроқли билим юртининг талабалари Улуғ Ватан уруши тарихига шонли саҳифаларни ёзиб қолдирдилар. Шаҳсан В. И. Ленининг кўрсатмаси билан ташкил этилган бу ўқув юрти Совет Армиясининг энг кекса билим юртидир.

В. Мураделининг «Чегарачи солдатлар» деган марш-қўшиғи янграйди. Яшил фуражкали жангчилар ўтган урушда немис-фашист қўшинларининг биринчи зарбасини кўкракларини қалқон қилиб кутиб олган эдилар. Сафларда чегарачи қўшинларнинг ветеранлари билан ўз оталари шуҳратининг ворислари боришмоқда. Мана шу парадда қатнашаётган курсантларнинг кўпчилиги кўкракка тақиладиган «Аълочи чегарачи», «Совет Армиясининг аълочиси» нишонлари билан мукофотланган.

Ф. Э. Дзержинский номли алоҳида мотоўқчи дивизия колоннаси Қизил майдонга кириб келади. Дивизияда тарбияланган минглаб жангчилар уруш йилларида орден ва медаллар билан тақдирланди, ўн кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Дивизиянинг шахсий состави дзержинскийчиларнинг жанговар традицияларини мукаддас билиб сақламоқда ва кўпайтирмоқда.

М. И. Калинин номли гвардиячи Тамань мотоўқчи дивизиясининг бўлинмалари келмоқда. Аъло даражали қурол-яроғларга ва ажойиб жанговар техникага эга бўлган мана шу машҳур армия қўшилмасини ким билмайди дейсиз! Улуғ Ватан уруши йилларида дивизия шонли жанговар йўлни босиб ўтди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган ўттиз уч баҳодир — таманликларнинг ифтихоридир.

Таманликлар кетидан Қизил майдонда «қанотли пиёдалар» пайдо бўлади. Десантчилар ўз тўплари ва танкларини эргаштирганларича машиналарда ўтишади.

Занжирли ғилдиракларнинг гижирлаши «Танкистлар марши»га жўр бўлади. Гвардиячи Кантемировка дивизиясининг жанговар машиналари келмоқда. Танкчилар қунини байрам қилиш бошлаб берилган кун — 1946 йил 9 сентябрда дивизия тўла состави билан Қизил майдондан марш-парад қилиб ўтган эди. Дивизиянинг жанговар йўли Волга бўйларидан бошланди. Кантемировкачилар олдингилардан бири қатори Эльба бўйларига чиққач, тоғлардан ошиб ўтиб, Прага кўзғолончиларига ёрдамга бордилар. Дивизияда 31 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олишга сазовор бўлди.

Қудратли тягачлар турли калибрдаги стволли артиллерия тўпларини минбарлар ёнидан тортиб ўтади. Реактив установкалар кўзга ташланади.

Навбат ҳар хил типдаги бошқарилувчи зенит ракеталари колоннасига келади. Бу ракеталар ҳаво ҳужумидан мудофаа қилувчи қисмларимизнинг кўлида ишончли қуролдир. Зенит ракеталар қандай баландликда учишидан қатъий назар, осмонда ҳар қандай самолётларни ва қанотли ракеталарни йўқ қилиб ташлашга қодир. Хозир агрессорларнинг Ватанимиз ҳаво чегарасини жазосиз буза оладиган ҳужум воситалари йўқ!

Ўтган параддаги каби бу гал ҳам ракеталарга қарши ишлатиладиган энг янги улкан ракеталар томошабинларнинг диққат марказида бўлди. Бизнинг бундай ракеталаримиз ўз вақтида ва ҳимоя қилинаётган шаҳарлардан анча олисда агрессорнинг баллистик қитъаларароқ ракеталарини ҳамда сув ости кемаларидан отган ракеталарини бехато мажақлай олади.

Қуруқликдаги қўшинлар ракеталари колоннасига Улуғ Ватан урушининг катнашчиси полковник В. Т. Луценко бошчилик қилмоқда. Артиллериячи жангчилар машиналарга тушиб олишган.

Океанларда сузиб юрувчи сув ости кемаларимизнинг баҳайбат ракеталари минбарлар олдидан ўтади. Қудратли зарбдор ядро қалпоғи бўлган баллистик ракеталар сув остидан отилади ҳамда учган жойидан бир неча минг километр наридаги нишонга тўппа-тўғри бориб тегади.

Бизнинг Ҳарбий Денгиз Флотимиз ихтиёрида мана шундай ва бошқа хил биринчи даражали ракеталар билан қуролланган ракетали атом сув ости кемалари етарли миқдорда бор.

Ҳарбий парадни якунлаб, Қизил майдонга стратегия вазифаларини бажарувчи ракета қўшинлари кириб келади. Бу қўшинлар Ватанимиз ҳарбий қудратининг негизини бўлиб, мамлакатимиз ҳавфсизлигини гарантиялай турибди.

«Ўртача масофали» ракеталар деган ракеталарни биринчи марта кўраяпмиз. Шундай ракеталарнинг баъзи янги хиллари энг олис қитъаларга етиб бора олади. Ўзиюрар учирувчи установкаларга ўрнатилган каттиқ ёқилғида ишловчи, ўртача масофали ракеталар келмоқда. Бундай стратегик ракеталар ўз позицияларини доимо ва тезда ўзгартириб туради, шунинг натижасида душман уларга зарар етказа олмайди. Бу ракеталар ҳамма вақт дарҳол ҳаракат қилишга тайёр туради.

Қудрати жиҳатидан ҳали тенги бўлмаган қитъаларароқ ракеталар келмоқда. Уларни биз ўтган йилги параддан бери биламиз.

Лекин ҳозир каттиқ ёқилғида ишлайдиган уч босқичли қитъаларароқ ракеталар ўта бошлади. Конструкцияси мукаммал, ўзи ишлатиш учун содда ва ишончли бўлган бу ракеталарга хизмат қилиш тўла равишда автоматлаштирилган. Уларни жуда қисқа вақт ичида ҳам шахталардан, ҳам бошқа майдончалардан учириш мумкин. Ниҳоят, гигант орбитал ракеталар ўтиб, парадга гултож бўлади. Улар космик кемаларни фазога дадил чиқариб қўйётган учирувчи ракеталарга ўхшайди. Бу ракеталар учун учиш масофасининг чегараси бўлмайди, зарбдор ядро қалпоқчаларининг эҳтимол тутилган қудрати эса, мисли кўрилмаган даражададир. Шу типдаги ракеталарнинг асосий хусусияти душманнинг объектларини ҳар қандай йўналишдан бориб яксон қила олади. Шунинг учун ракеталар ҳужумидан мудофаа қилувчи воситадар амалда уларга зарар етказа олмайди.

Бугунги парад совет ракетасозлигининг юксак савиясини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди. Бизда ядро ва бошқа хил зарбдор қалпоқлари бўлган жуда ҳар хил ракеталар бор. Бу эса, уруш бошлашга журъат этадиган ҳар кандай агрессорни янчиб ташлаш борасидаги жанговар вазифаларнинг мустаҳкам ҳал қилинишини таъминлайди.

Совет Армиясининг барча жангчилари сингари ракетачи жангчилар ҳам ўз маҳоратларини кундан-кунга такомиллаштирмоқдалар. Парад қатнашчилари орасида жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари, малакали мутахассислар, чунончи, ракетачи офицерлардан Ягодин, Сазонов, Кульбед, старшина Перлинен, младший сержант Дворников, оддий аскарлардан Новогородский, Байдаковлар бор эди.

Стратегия вазифаларини бажарувчи ракета қўшинларининг шахсий состави ўз даҳшатли қуроли ёнида ҳушёрлик билан вахтада турибди. Қучли ядро зарядлари билан қуроллантирилган совет қитъаларароқ ракеталари — тинчликни таъминлашнинг қудратли воситасидир.

Минг карнайдан иборат оркестр майдоннинг бутун энини эгаллаган ҳолда ўтиб боради. Оркестрчилар Ватанимиз пойтахти Москвага бағишланган марш садолари остида қадам ташлайдилар.

...Парад тугади. Совет давлати ва унинг Қуролли Кучларининг ҳарбий қудрати юксалиб кетганлиги шу куни намойиш қилинди. Мана шу енгилмас куч — коммунизм қураётган улуғ халқимиз, социалистик лагерь мамлакатларидаги халқлар, бутун прогрессив инсоният тинчлиги ва хавфсизлигининг ишончли ғарантиясидир. Ғалаба куни шарафига ўтказилган ҳарбий парад қудратимиз, шон-шарафимиз ва шавкатимиз, ер юзида тинчликни сақлаб қолишга маҳкам бел боғлаганлигимизни улуғловчи салобатли гимн сифатида садо берди.

Б. ЛУКЬЯНОВ,
С. ФРОЛКИН,
Л. ШЕВЦОВ.
ТАСС мухбирлари.
Москва, 9 май.

Тошкентдаги В. И. Ленин номли Қизил майдондан уруш ветеранлари — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари колоннаси ўтиб бормоқда.

СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган ғалабанинг йигирма йиллиги байрам қилинаётганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати 9 майда Кремлдаги Съездлар саройида қабул маросими ўтказдилар.

Қабул маросимида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари, СССРнинг партия, давлат, жамоатчилик арбоблари, кўзга кўринган ҳарбий саркардалар, кекса большевиклар, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ҳозир бўлишди.

Меҳмонлар орасида гитлерчилар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг йигирма йиллиги байрамида қатнашмоқ учун Москвага келган чет эл делегациялари, қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари, СССР даги чет эл дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари, руҳонларининг олий намояндалари бор эди.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев қабул маросимида ҳозир бўлганларга мурожаат қилиб, нутқ сўзлади.

— Бугун, — деди у, — ҳаммамиз учун катта ва қувончли кун. Бундан йигирма йил муқаддам биз буюк тарихий ғалабага эришган эдик. Германия фашизми бутунлай тор-мор келтирилди ва ҳеч сўзсиз таслим бўлди.

Гитлерчиларга қарши курашнинг асосий оғирлигига бардош берган совет халқи, бизнинг шонли Армиямиз ҳақиқатан ҳам матонат, мардлик ва қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатдилар.

Совет кишилари узоқ давом этган тўрт йил мобайнида мамлакат ичида ва фронтда ўзларининг кучларини ҳам, жонларини ҳам аямай, зўр матонат билан ғалабани тоблаб келдилар. Шунинг учун ҳам улар енгиб чиқдилар, ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолдилар, социализм ғалабаларини сақлаб қолдилар, инсониятни фашизм вабосидан қутқариб қолдилар.

Шонли йигирма йилликни нишонлар эканмиз, — деди Л. И. Брежнев, — биз ялпи курашдаги дўстларимиз ва иттифоқчиларимизни, қаршилик ҳаракатининг мард жангчиларини, фашистларга қарши қўтарилган қўзғолонларнинг қаҳрамонларини миннатдорчилик билан ҳурматлаб эсга оламиз!

Урушдан кейинги йигирма йил ичида бизнинг Ватанимиз катта йўлни босиб ўтди ва қудратли социалистик давлатга, коммунизм қураётган мамлакатга айланди.

Биз тинч меҳнат билан машғулмиз. Бироқ, жаҳонда ҳарбий авантюраларнинг ишқибозлари ҳали ҳам борлигини унутмаймиз.

Душманга зарба бермоқ учун Қуролли Кучларимизнинг ҳамма нарсаси борлигини ва кимки чегараларимизнинг дахлсизлигини бузишга, бизнинг тинч меҳнатимизни бузишга уринса, ундан шафқатсиз қасос олиниши муқаррарлигини бугун Қизил майдонда кўрдик.

Барча совет кишиларини, шонли жангчиларни, чет эллардан келган меҳмонларни, фашизмни тор-мор келтириш улуғ ишига ўз ҳиссасини қўшган кишиларнинг хаммасини Л. И. Брежнев Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан ғалабанинг йигирма йиллиги билан қизғин қутлади ва уларнинг ҳаммасига яхши сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар ва катта бахт-саодат тилади.

СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский микрофон олдига келади.

Бугун биз Кремлдаги Съездлар саройида тўпланиб шарафлаётган воқеа тўғрисида, — деди министр, — халқимиз учун, партия учун, шонли Қуролли Кучларимиз учун фахрланмай ва тўлқинланмай гапириш қийин.

Улуғ Ватан уруши бундан йигирма йил муқаддам қаттиқ жангларда қўлга киритилган ва узоқ кутилган ғалаба билан тугаллади. Бу урушда бизнинг халқимиз ўзининг қаҳрамон халқ эканлигини, паҳлавон халқ эканлигини кўрсатди. Унга ташаккуримизни изҳор этамиз, икки букилиб таъзим қиламиз.

Урушнинг даҳшатли кунларида бутун дунё совет кишиларининг мардлигига ва матонатига, лашкарбошиларимизнинг саркардалик санъатига қойил бўлди. Мана шулар, уруш ветеранлари совет жангчиларининг янги бўғини билан бирга бугун ҳарбий парадда Қуролли Кучларимизнинг қувватини намойиш қилдилар.

Уруш йилларида совет халқи шонли Коммунистик партиямиз раҳбарлигида улуғ Ленин байроғи остида ғалаба сари борди.

Р. Я. Малиновский Совет Қуролли Кучларининг шахсий состави номидан жонажон Коммунистик партия ва унинг коллектив раҳбари учун, унинг жанговар штаби — ленинчи Марказий Комитет учун, Совет Қуролли Кучлари тўғрисида, Улуғ Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини яна мустаҳкамлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётган партия учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилади. Биз чексиз содиқ бўлган, бизни коммунизмга олиб бораётган партия учун!

Л. И. Брежнев ва Р. Я. Малиновский ўртоқларнинг нутқлари зўр диққат ва эътибор билан тингланди, қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

Қабул маросими қардошлик, самимийлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ БЕРЛИНДАН ҚАЙТИБ КЕЛИШДИ

Совет партия-ҳукумат делегацияси аъзоларининг бир группаси — КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин (делегация бошлиғи), КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Совет Иттифоқи маршали В. Д. Соколовский, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Эстония ССР Министрлар Советининг Раиси В. И. Клаусон, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР нинг космонавт учувчиси Ю. А. Гагарин 9 Майга ўтар кечаси Берлиндан Москвага қайтиб келди.

Германия Бирлашган Социалистик Партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан делегация немис халқи фашизмдан озод қилинган кунинг 20 йиллиги байрамида қатнашди. (ТАСС).

ГДР ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Германия Бирлашган Социалистик Партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси Вилли Штоф бошчилигидаги Германия Демократик Республикаси делегацияси гитлерчилар германияси устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллиги байрамида қатнашиш учун 9 Майга ўтар кечаси Москвага келди. (ТАСС).

БОЛГАРИЯ ХАЛҚ МАЖЛИСИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ ШАРАФИГА ЗИЁФАТ

СССР Олий Совети Президиуми 8 майда Катта Кремль саройида Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлиси Президиумининг Раиси Георгий Трайков шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Георгий Трайков билан бирга унинг ҳамроҳлари, шунингдек Болгариянинг ҳарбий делегацияси, уруш ветеранлари ва фашизмга қарши курашчилар делегацияси ҳамда гитлерчилар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллиги байрамида қатнашиш учун Москвага келган Болгария Халқ Республикаси делегацияси бор эди.

Совет томонидан Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, А. И. Микоян, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Н. М. Шверник, Б. Н. Пономарёв, А. П. Рудаков ва бошқалар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

БЕРЛИНДА САМИМИЙ УЧРАШУВ

БЕРЛИН, 9 май. (ТАСС). Немис халқи фашизмдан озод қилинган кунинг 20 йиллиги муносабати билан Германия Бирлашган Социалистик Партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси В. Ульбрихт, Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси В. Штоф ва Демократик Германия Миллий Фронти Миллий Кенгашининг раиси профессор Э. Корренс бугун давлат кенгаши биносида қабул маросими ўтказдилар.

Қабул маросимида байрамда қатнашиш учун Германия Демократик Республикасига келган чет эл делегацияларининг аъзолари, шу жумладан КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси ҳозир бўлди.

Қабул маросимида немислар томонидан Германия Бирлашган Социалистик Партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва Сиёсий Бюро аъзолигига кандидатлар, Германия Демократик Республикаси давлат кенгаши ва ҳукуматининг аъзолари, Германия Демократик Республикасидаги демократик партиялар ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, немис ишчилар ҳаракатининг ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари, атоқли фан ва маданият арбоблари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида ҳозир бўлганлар орасида Германиядаги совет қўшинлари группаси ва ГДР миллий халқ армиясининг генераллари ва офицерлари, шунингдек дипломатия корпусининг аъзолари бор эди.

Қабул маросимида В. Ульбрихт қисқача нутқ сўзлади.

А. Н. Косигин дўстона қадаҳ кўтарди. А. Н. Косигин СССР Олий Совети Президиумининг топшириғига биноан, Германия Демократик Республикаси миллий мудофаа министри армия генерали Г. Гофманга Қизил Байроқ орденини топширди. Армия генерали Г. Гофман Улуғ ватан уруши йилларида совет давлати олдида қилган хизматлари ва СССР ҳамда Германия Демократик Республикаси қуролли кучлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун шу орден билан мукофотланган эди.

Қабул маросими илиқ, самимий вазиятда ўтди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҚАҲРАМОН ЛЕНИНГРАД ШАҲРИГА «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ ТОПШИРИШ ТУҒРИСИДА

Ленинград шаҳри меҳнаткашларининг ватан олдидаги жуда катта хизматлари, узоқ вақт давом этган оғир блокада шароитида немис-фашист босқинчиларига қарши курашда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун ва 1941—1945 йилларидаги Улуғ Ватан урушида Совет халқи қозонган ғалабанинг 20 йиллигини нишонлаш юзасидан илгари мана шу хизматлари учун Ленин ордени билан мукофотланган қаҳрамон Ленинград шаҳрига «ОЛТИН ЮЛДУЗ» медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1965 йил 8 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҚАҲРАМОН ВОЛГОГРАД ШАҲРИГА ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ ТОПШИРИШ ТУҒРИСИДА

Волгоград шаҳри меҳнаткашларининг ватан олдидаги жуда катта хизматлари, немис-фашист босқинчиларга қарши курашда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун ва 1941—1945 йилларидаги Улуғ Ватан урушида Совет халқи қозонган ғалабанинг 20 йиллигини нишонлаш юзасидан қаҳрамон Волгоград шаҳрига ЛЕНИН ОРДЕНИ ва «ОЛТИН ЮЛДУЗ» медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1965 йил 8 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҚАҲРАМОН КИЕВ ШАҲРИГА «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ ТОПШИРИШ ТУҒРИСИДА

Киев шаҳри меҳнаткашларининг ватан олдидаги жуда катта хизматлари, немис-фашист босқинчиларга қарши курашда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун ва 1941—1945 йилларидаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 20 йиллигини нишонлаш юзасидан илгари мана шу хизматлари учун Ленин ордени билан мукофотланган қаҳрамон Киев шаҳрига «ОЛТИН ЮЛДУЗ» медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1965 йил 8 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҚАҲРАМОН СЕВАСТОПОЛЬ ШАҲРИГА ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ ТОПШИРИШ ТУҒРИСИДА

Севастополь шаҳри меҳнаткашларининг ватан олдидаги жуда катта хизматлари, немис-фашист босқинчиларга қарши курашда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун ва 1941—1945 йилларидаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 20 йиллигини нишонлаш юзасидан қаҳрамон Севастополь шаҳрига ЛЕНИН ОРДЕНИ ва «ОЛТИН ЮЛДУЗ» медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1965 йил 8 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҚАҲРАМОН ОДЕССА ШАҲРИГА ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ ТОПШИРИШ ТУҒРИСИДА

Одесса шаҳри меҳнаткашларининг ватан олдидаги жуда катта хизматлари, немис-фашист босқинчиларга қарши курашда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун ва 1941—1945 йилларидаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 20 йиллигини нишонлаш юзасидан қаҳрамон Одесса шаҳрига ЛЕНИН ОРДЕНИ ва «ОЛТИН ЮЛДУЗ» медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1965 йил 8 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

БРЕСТ ҚАЛЪАСИГА «ҚАҲРАМОН ҚАЛЪА» ДЕГАН ФАХРИЙ НОМ БЕРИШ ТУҒРИСИДА

Брест қалъасининг ҳимоячилари гитлерчи босқинчиларнинг Совет Иттифоқига қўққисдан ва хиёнаткорона килган хужумини қайтариб, жуда оғир шароитларда немис-фашист агрессорларга қарши курашиб, юксак ҳарбий жасорат, оммавий қаҳрамонлик ва мардлик кўрсатдилар. Бу эса, совет халқи мислсиз сабот-матонатининг рамзи бўлиб қолди.

Брест қалъасининг ҳимоячилари гитлерчи босқинчиларнинг Совет Иттифоқига қўққисдан ва хиёнаткорона килган хужумини қайтариб, жуда оғир шароитларда немис-фашист агрессорларга қарши курашиб, юксак ҳарбий жасорат, оммавий қаҳрамонлик ва мардлик кўрсатдилар. Бу эса, совет халқи мислсиз сабот-матонатининг рамзи бўлиб қолди.

Совет халқининг 1941—1945 йилларидаги Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 20 йиллигини нишонлаш юзасидан Брест қалъасига «Қаҳрамон қалъа» деган фахрий ном берилсин, ЛЕНИН ОРДЕНИ ва «ОЛТИН ЮЛДУЗ» медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1965 йил 8 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССРДА ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ 8 МАРТНИ ДАМ ОЛИШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Совет хотин-қизларининг коммунистик қурилишдаги, Улуғ Ватан уруши йилларида Ватанни ҳимоя қилишдаги жуда катта хизматларини, уларнинг фронтда ва мамлакат ичкарисида кўрсатган қаҳрамонлиги ҳамда фидокорлигини нишонлаш юзасидан, шунингдек хотин-қизларнинг халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ва тинчлик учун курашга қўшган катта ҳиссасини тақдирлаб, СССРда Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март дам олиш куни деб **эълон қилинсин.**

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1965 йил 8 май.

АКТИВИСТЛАР ИШ ТАЖРИБАЛАРИНИ УМУМЛАШТИРМОҚДАЛАР

Область, шаҳар ва район хотин-қизлар советлари раисларининг республика семинари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида уч кун давом этди. Семинар қатнашчилари шаҳар ва қишлоқ меҳнаткаш хотин-қизларини сиёсий жиҳатдан тарбиялаш соҳасида тўпланган илғор тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Докладларда ва нотиқларнинг сўзларида коммунистик турмуш учун, хотин-қизларнинг меҳнат шароитини яхшилаш учун курашда хотин-қизлар советларининг роли тўғрисида гапирилди, атеистик пропаганда, янги урф-одатлар ва традицияларни жорий қилиш соҳасидаги тажриба умумлаштирилди.

Семинар қатнашчилари учун жаҳон коммунистик ҳаракатидаги ҳозирги аҳвол тўғрисида, КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари ҳақида лекциялар ўқилди. Активистлар Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлдилар.

Семинарнинг якунловчи машғулотида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов семинар қатнашчилари олдида нутқ сўзлади.

Бу машғулотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари И. Г. Анисимкин, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусаханов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишоновлар иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ХАЛҚ АРМИЯСИНИНГ АЗИМ ҚАДАМЛАРИ

Тошкентдаги В. И. Ленин номли майдонда ҳарбий парад

Инсониятнинг хотирасида асрлар бўйи сақланиб қоладиган саналар бор. 1945 йил 9 Май куни — маккор, йиртқич, очкўз гитлерчилар Германияси ҳалок бўлган кун жаҳоннинг барча кишилари учун худди шундай шодиёна кун бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаберади. Жаҳон яркин нафас олди. Совет халқи қаҳрамонона меҳнати билан, жанг майдонларида тилларда достон бўлиб қолган баҳодирона жасорати билан буюк ғалабага эришди.

Ҳар бир хонадон, ҳар бир оила ана шу ғалабани кутар эди. Бизнинг мамлакатимиз оғир синовлардан ўтди. Лекин совет халқининг қалбида ғалабамизга бўлган қатъий ишонч доим жўш уриб келган эди.

Орадан йигирма йил ўтди. Уруш натижасида кул қилиб кўкка совурилган экинзорларга ҳаёт қайтиб келди. Гўзал шаҳар ва қишлоқлар харобалар устида қад кўтарди. Уруш жароҳатларини даволаган совет кишилари буюк мўъжизалар яратдилар. Совет солдати қаттиқ туриб қаҳрамонона ҳимоя қилган катта ва кичик марралар ҳали ҳам эсимизда турибди, ҳозирги кунда орамизда бўлмаган кишилар алами дилимиздан кўтарилган эмас...

Ер юзидаги оддий кишиларнинг ҳаммаси, ижодкор халқимиз Совет Армиясини, халоскор армияни зўр иззат-ҳурмат ва абадий миннатдорчилик билан тилга олмоқдалар. Ленин, шонли Коммунистик партия тинчликнинг енгилмас таянчи бўлган бу армияни вужудга келтирдилар ва тарбиялаб ўстирдилар.

...Тошкентдаги В. И. Ленин номли майдон. 9 Майда қизил байроқларгина эмас, балки халқимиз беҳад севган армия жангчиларининг текис сафлари ҳам майдоннинг ҳуснига ҳусн қўшди. Мард, очиқ чеҳрали солдатлар сафга тизилганлар. Ҳамма фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллигига бағишланган парадни бошлаб юборишга шай бўлиб турибди. Ҳукумат уйининг биносига Карл Маркс ва В. И. Ленининг, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоларининг катта портретлари, совет халқини ва унинг Қуролли Кучларини улуғловчи улкан транспарантлар қўйилган.

Майдоннинг ўртасида бир қўлида ҳар қандай душманни қириб ташлашга қодир бўлган даҳшатли қилични, иккинчи қўлида эса ўзи қутқазган гўдакни бағрига босиб турган халоскор жангчининг суратини кўрамиз. Кўкракларига автомат тақиб олган жангчилар шу сурат атрофида иттифоқдош республикаларнинг давлат байроқлари олдида фахрий қоровулликда турибдилар.

Минбарларда революция ветеранлари, улуғ Ленин билан бирга истиқбол йўлини очиб берган кишилар, Ватан урушидаги буюк жангларнинг қаҳрамонлари — Октябрь ғалабаларини қон тўкиб қаттиқ ҳимоя қилган кишилар ва оталарининг изидан бораётган ажойиб ёшларимиз турибди. Булар орасида ишчилар, ишлаб чиқариш новаторлари, мўл ҳосил усталари, фан ва маданият арбоблари бор эди. СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ҳам шу ерда ҳозир бўлдилар.

Ҳукумат минбарида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари ва Президиум аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусаханов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, Ш. Р. Рашидов, И. М. Нажесткин ўртоқлар турибдилар.

Эрталаб соат тўққиз. Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони армия генерали, Совет Иттифоқи Қаҳрамони И. И. Федюнинский парад қўмондони генерал-лейтенант Л. И. Бауковнинг рапортини қабул қилади ва қўшинларни айланиб чиқади.

И. И. Федюнинский минбарга чиқади ва парад қатнашчиларига қарата нутқ сўзлайди.

Қўмондон Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан ва уларнинг топширигига биноан солдат ва сержантларни, Тошкент шаҳрининг ва бутун Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашларини Совет Иттифоқининг фашистлар Германияси устидан қозонган жаҳоншумул тарихий ғалабаси кунининг йигирма йиллиги билан табриклайди.

Мамлакатимизнинг халқлари, Совет Армиясининг жангчилари, социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, бутун прогрессив инсоният шонли 9 Май кунини, жаҳон империализмининг энг ёвуз ва энг ашаддий отряди бўлган герман фашизми устидан социализм, демократия ва тинчлик кучлари ғалабасини улуғ умумхалқ байрами куни сифатида нишонламоқдалар.

Урушнинг биринчи давридаги оғир синов ва машаққатлар совет халқи ва Совет Армиясининг чексиз сабот-матонатини бўшаштира олмади, уларнинг ҳаққоний ишимизнинг муқаррар ғалаба қозонишига чексиз ишончларини сусайтира олмади.

Инсониятни энг кўп вайронгарчилик келтирган, жуда катта кирғинчилик уруши гирдобига ташлаган фашистлар Германияси ер билан яксон қилинди.

Ўзбек халкининг шонли фарзандлари қаттиқ жанг майдонларида мардона курашдилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари оғир уруш йилларида зўр жасорат ва қаҳрамонлик билан меҳнат қилдилар. Ўзбекистон уруш йилларида Совет Армиясини қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаб турган энг муҳим арсеналларнинг бири бўлди.

Совет Иттифоқи иккинчи жаҳон урушида герман фашизмини ва япон милитаризмини тор-мор келтиришда ҳал қилувчи роль ўйнади. Герман фашизми ва япон милитаризмининг тор-мор қилиниши Европа ва Осиёдаги бир қанча мамлакатлар халқларининг капиталист ва помещиклар ҳокимиятини агдариб ташлаши ва жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши учун қулай шарт-шароит яратди.

Совет кишилари ва совет жангчиларининг мислсиз зўр жасорати, мардлиги ва шижоаткорлиги, уларнинг ўтган урушда эришган жаҳоншумул-тарихий ғалабасининг шон-шуҳрати абадий яшайди.

Эндиликда кенг авж олдириб юборилган коммунизм қурилишининг қудратли одими ана шу буюк ғалабага ҳамоҳанг бўлиб эшитилмоқда. Совет кишилари ўзларининг битмас-туганмас куч-ғайратларини коммунизм қурилишига бағишладилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатнинг экономикасини ривожлантиришга муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Республика саноати 1964 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажарди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўтган йили пахтадан рекордли ҳосил етиштирдилар.

Социалистик Ўзбекистон етти йилликнинг охирги йили бўлган 1965 йил ишлаб чиқариш планларини муддатидан илгари бажариш учун зўр ғайрат ва шижоат билан кураш олиб бормоқда.

Ватанимизнинг ана шу янги ғалабалари совет социалистик тузумининг буюк афзалликларини, совет халқининг ижодий даҳосини жуда яққол ифода этади.

Совет халкининг герман фашизми устидан козонган тарихий ғалабалари ва коммунизм қурилишининг кенг кулоч ёйганлиги ҳарбий авантюралар ишқибозларини гоят жиддий огоҳлантиради. Совет Иттифокига, барча социалистик мамлакатларга, тинчлик, демократия ва тараққиёт кучларига синфий нафрат туйғулари билан қараётган империалистик давлатларнинг реакцион кучлари янги жиноий ҳарбий авантюралардан ҳали воз кечганларича йўқ. Империалистлар Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Бундай шароитда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда мамлакатимизнинг ва социалистик системадаги барча мамлакатларнинг мудофаасини энг юксак даражада сақлаш учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўрмоқдалар. Туркистон ҳарбий округимизнинг қўшинлари Ватанимизнинг жанубий чегараларини хушёрлик билан қўриқлаб турибдилар.

Ўз Ватани қуролли ҳимоячиларининг олижаноб вазифаси билан илҳомланган Туркистон ҳарбий округининг қўшинлари жанговар тайёргарликларини тинмай оширмоқдалар ва Ватанимизнинг мўқаддас чегараларига ҳужум қилишга журъат этувчиларга қақшатгич зарба бериш учун ҳамиша шай бўлиб турибдилар.

И. И. Федюнинский қудратли социалистик Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи шарафига, жонажон Совет ҳукуматимиз шарафига, шонли ғалабалар шуҳрати билан қопланган шавкатли Совет Қуролли Кучлари шарафига, коммунизм қуриш учун курашда совет халқининг буюк илҳомлантирувчи ва ташкилотчи кучи бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига табрик сўзлари айтади.

Қудратли ура садолари бутун майдонни қоплайди. Тўплардан кучли салют берилади. Оркестр Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат гимнларини ижро этади.

Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг тантанали юришини жанг майдонларида юксак унвон — Совет Иттифоқи Қаҳрамони номини олишга сазовор бўлган кишилар колоннаси бошлаб, ҳамманинг гулдурос қарсаклари остида майдонга кириб келади. Бу қаҳрамонлар кўпдан буён ҳарбий кийимларини киймай ва погонларини тақмай қўйганлар. Аммо улар жанговар сафда, коммунизм қурувчилар сафида бормоқдалар. Улар кетидан Ватан урушининг ветеранлари, собиқ командирлар, жангчилар ва снёсий ходимлар ўтадилар. Уларнинг кўксида ярқираб турган жанговар орденлар ғалабамизга қўшган ҳиссаларини кўрсатиб турибди. Колонна устида орден ленталарининг вимпеллари яққол кўзга ташланади.

Яна гулдурос қарсаклар бошланиб кетади. Ҳозирги кунда Ватанимиз тинчликни қўриқлашдек фахрий вахтани ишонч топширган жангчилар — шонли Совет Армиясининг отрядларидан бири Туркистон ҳарбий округи кисмларининг бўлинмалари майдонга кириб келадилар.

Тошкентдаги В. И. Ленин номли олий умумқўшин командирлари ўқув юртининг байроғи ҳилпиллайди. Бу — мамлакатимиздаги энг кекса ҳарбий ўқув юртларидан биридир. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Алексей Голубков, Владимир Карпов, Виктор Малясов, мамлакатимиз Қуролли Кучларининг кўпгина атоқли ҳарбий бошлиқлари шу ўқув юртида тарбияланганлар. В. И. Ленин номли ўқув юртининг курсантлари саф тортиб шаҳдам қадамлар билан ўтганларида ҳамма қарсак чалади.

Бронетанк қўшинлари маршали П. С. Рибалко номидаги Тошкент танк ўқув юртининг курсантлари, келгусида танкчи офицер бўлиб етишувчи кишилар майдондан ўтадилар. Улар ўтган уруш тажрибаларини қунт билан ўзлаштириб, энг янги ҳарбий техникани эгаллаб, фашист боскинчиларга қарши курашда бениҳоя мардлик ва қаҳрамонлик кўрсаткан кишиларнинг традицияларини муқаддас билиб давом эттирмоқдалар. Ватанимиз учун жонини фидо қилган Совет Иттифоқи Қаҳрамони лейтенант Вальдемар Шаландин ёш жангчилар билан бир сафда бораётгандек туйилади. В. Шаландин ўқув юртининг рўйхатига абадий ёзилган.

Бир колонна кетидан иккинчи колонна майдонга кириб келади. Турли қўшин турларининг бўлинмалари буюк Халқ армиямизнинг кудратини, бу армиянинг Совет Ватанига, шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига чексиз садоқатини намойиш қиладилар.

Десант қўшинлари тушган машиналар трибуна олдидан ўтади. Ҳозирги кунинг десант аскари — техникани гоят яхши билиб олган, энг мураккаб вазиятда ҳаракат қилиб, ҳарбий техникани ишлата оладиган кишидир. Десантчилар автомат, рация билангина эмас, балки артиллерия, бронетранспортерлар, амфибия ва бошқа кўп яроғлар билан ҳам қуролланганлар.

Кучли тягачлар майдондан бир текис ўтадилар. Турли система ва калибрдаги тўплар уларга тиркалган. Совет Армиясининг тўпчиларини жаҳонда энг яхши тўпчилар деб ҳисоблаётганликлари ҳам бежиз эмас. Уларнинг ўт очиб берган зарбаларининг кучини ҳар қандай фаросатсиз боскинчилар кўп марта синаб кўрганлар.

Совет халқи тинч меҳнатининг содиқ ва мустаҳкам посбони — Қуролли Кучларимиз қудратининг рамзи бўлган ракета техникаси ҳаммадан кейин майдондан ўтади.

* * *

Парад тамом бўлди. Аммо буюк ғалабанинг 20 йиллигига бағишланган тантаналар давом этмоқда. Шаҳардаги скверлар, паркларда, кўчаларда, ишчи клубларида ва маданият саройларида халқ сайиллари ўтказилди. Кечқурун байрам салютининг ранг-баранг чўғлари бутун шаҳарни ёритди.

(ЎзТАГ).

Тошкент. В. И. Ленин номли Қизил майдонда ҳарбий парад.
А. Абалян фотолари.

СССР Олий Совети Президиумида

ЧЕКИСТЛАР — УРУШ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларга қарши кураш фронтларида қўмондонликнинг топшириқларини намунали бажарганликлари ва бунда жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун СССР Олий Совети Президиумининг 1965 йил 8 майдаги Фармони билан беш чекистга:

Оддий аскар Николай Иванович Горячевга, лейтенант Федор Васильевич Моринга, политрук ўринбосари Василий Васильевич Петровга, подполковник Герасим Архипович Рубцовга ва капитан Иван Михайлович Середага вафотидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1965 йил 8 майдаги Фармонига мувофиқ давлат хавфсизлиги қўшинлари ва органларининг офицерлари, сержантлари ва оддий аскарларидан жами 1.632 киши немис-фашист босқинчиларга қарши жангларда ўрнак кўрсатганликлари учун СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. Душманнинг орқа томонида махсус топшириқларни бажарган 4 чекист Ленин ордени билан, 18 чекист Қизил Байроқ ордени, 125 чекист Биринчи даражали Ватан уруши ордени, 279 чекист II даражали Ватан уруши ордени, 397 чекист Қизил Юлдуз ордени, 13 чекист III даражали Шуҳрат ордени, 295 чекист «Жасурлик кўрсатгани учун» медали, 501 чекист «Жанговар хизматлари учун» медали билан мукофотландилар.

* * *

Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олган Н. И. Горячев партизанлар группасида довюрак разведкачи эди. Душманнинг кўпгина эшелонлари унинг иштирокида портлатилган, у топиб келган маълумотлар боскинчиларга қарши бир қанча жанговар операцияларни тайёрлаш ва муваффақиятли ўтказиш имконини берди. 1943 йил апрель ойидаги жангда разведкачи ярадор бўлиб қолди. Охирги ўқи қолгунча жанг қилди ва душман қўлига тушмаслиги учун граната билан ўзини портлатиб юборди.

Қўрқмас чегарачилардан Ф. В. Морин, В. В. Петров, Г. А. Рубцов, И. М. Середаларга ҳам вафотларидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Лейтенант Морин қўмондонлигидаги чегара заставаси 1941 йил 22 июнда Львов томонида душманнинг устунлик қилган кучлари берган дастлабки зарбага бардош қилди. Шиддатли бешта ҳужум қайтарилди. Ўқ-дори тамом бўлгач тирик қолган етти жангчи лейтенант бошчилигида «Интернационал» қўшиғини куйлаб охирги гранаталарни қўлга олдиларда ёпирилиб келаётган фашист танкларига ташландилар. Ўз бурчини охиригача бажарган Морин ҳалок бўлди.

Политрук ўринбосари В. В. Петров уруШнинг биринчи кунида пулеметчилар билан бирга Буг дарёсидан ўтиладиган кечувни ҳимоя қилиб турди. Ўртоқлари ҳалок бўлиб, у бир ўзи қолганида ҳам беш соатгача душманни қайтариб турди ҳамда ёвнинг юздан ортиқ солдат ва офицерини ўлдирди. Оғир ярадор бўлган В. Петров ўқларининг ҳаммасини отиб бўлганидан сўнг ёпирилиб келаётган гитлерчилар яқинлашиб қолгунча жим туриб, гранатани портлатиб юборди...

Ички ишлар халқ комиссариатининг подполковник Г. А. Рубцов қўмондонлигидаги қўшма чегара полки Севастополь бўсағасидаги муҳим маррани 250 кундан ортиқ ҳимоя қилиб турди. Қўшинларни Севастополдан эвакуация қилишни таъминлаш юзасидан полк олдига қўйилган вазифа адо этилди. Сўнгра у бир группа жангчилар билан биргаликда Херсон ва Феолент буруни районида оғир шароитда жанг қилди. Подполковник душманга қарши қўл билан жанг қилишда мардларча ҳалок бўлди.

Капитан И. М. Середа қўмондонлигидаги чегара комендатураси ҳимоя килиб турган участкага фашистлар моторлаштирилган пиёда қўшинлар ва танкларни ишга солдилар. Житомир областидаги Попельня станцияси яқинидаги маррани чегарачилар бир неча сутка ўз қўлларида ушлаб турдилар. Оғир яраланган капитан хушидан кетган вақтда гитлерчилар уни қўлга туширдилар. У хушига келиб, кўзини очганида немис офицери унинг кўкрагидаги «Ҳурмат Белгиси» орденини юлиб олмоқчи бўлди. Середа бутун кучини тўплаб, офицерни уриб аг-дарди. Душманлар автоматдан кетма-кет отган ўқдан қаҳрамон ҳалок бўлди. (ТАСС).

СПОРТ САРОЙИМИЗГА МАРҲАМАТ!

Кўпсонли спорт ишқибозлари, қолаберса биз ҳам бу кунни орзиқиб кутдик. Ўзбекистон спорти тарихида биринчи марта саккизта мамлакатнинг энг кучли спортчилари иштирокида ўтказиладиган бу халқаро мусобақа спорт шинавандалари учун чинакам байрам бўлади.

Сув спорти саройи ходимлари бу кунга катта тайёргарлик билан келдилар. Трибуналар бутунлай ремонтдан чиқарилди, ваннаҳар янгиланди, фойелар тартибга келтирилди. Кеча ҳавзадаги сувни батамом янгиладик. Бугун эса Финляндия, Франция, ГДР, ГФР, Югославия, Швеция, Польша мамлакатларидан келган меҳмонларни кутиб оламиз. Икки кун давомида сув спорти ишқибозлари саройимизда жаҳон ва Европа, Олимпиада чемпионлари, рекордчилари, ер қитъасининг энг кучли спортчилари чиқишларини кўрадилар. Тошкентда ўтказиладиган бу халқаро ўртоқлик учрашувларида 100 дан ортиқ спортчилар қатнашиши кутилмоқда.

Сузувчилар Тошкентга келгунга қадар Ватанимиз пойтахти Москвада беллашдилар. Бир неча спортчилар ўз мамлакатларининг рекордларини қўйишди, москвалик В. Мазанов ва В. Кузьминлар СССР рекордлар жадвалига ўзгартиш киритдилар.

Тошкентликлар Европа рекордчиси 17 ёшли Кристин Карон (Франция), Европа рекордчиси А. Хагберг (Швеция), қитъа чемпиони Х. Пехштейн (ГДР) 15 ёшли Швеция спортчиси Л. Андрессонни кўрадилар. Бу ёш сузувчи Москвада ўтказилган биринчи кунги мусобақаларда барча рақибларини орқада қолдириб биринчи ўринга чиқди.

Совет Иттифоқи командасига кимлар кирган? Тошкент ҳавзасида совет спорти шарафини кимлар ҳимоя қилади? Томошабинларимиз сўзсиз ана шу саволга ҳам жавоб олишни истайдилар. Мамлакат терма командаси составида олимпиада чемпиони ўқувчи Галина Прозуменщикова, Олимпиада мукофотчилари Г. Прокопенко, Т. Савельева, Европа рекордчиси Б. Кузьмин, В. Мазанов ва бир неча ёшлар қатнашадилар.

Жаҳон ва мамлакат рекордчиси Светлана Бабанина, СССР рекордчиси Н. Устинова, республика чемпионлари ва рекордчилари, спорт мастерлари Т. Холбоев, Р. Вахобов, Е. Микало, Т. Исмоилова ва бошқалар Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қиладилар.

У. БЕКТЕМИРОВ,
Тошкентдаги сув спорти саройи директори.

1945 йил 24 июнь. Москва Қизил майдонида Ғалаба паради. Суратда: мағлубиятга учраган гитлерчилар армиясининг байроқлари Мавзолей остонасида.

Е. Халдей фотоси.

ҲУЖЖАТЛАР ФОШ ҚИЛАДИ

Замбарак ўқларининг овози бундан 20 йил муқаддам тинган, Улуғ Ватан урушининг даҳшатли кунлари тарихий ўтмиш бўлиб қолаётган бўлса ҳам совет халқи немис-фашист босқинчиларининг вақтинча босиб олган районларидаги ёвузликларини ҳеч қачон ёдидан чиқармайди.

Ўзбекистон ССР Марказий давлат архивида Улуғ Ватан уруши фронтларидан келган хатлар сақланади. Гитлерчи жаллодларнинг вақтинча босиб олган шаҳар ва қишлоқларда аҳолига қилган жабр-зулмлари кўрган ўзбек жангчилари ёр-биродарларига ёзган хатларида бу ёвузликларни қаҳр-ғазаб билан ифодалайдилар.

Жангчи Отахон Жуманиёзов Ўзбекистон меҳнаткашларига ёзган хатида шундай дейди: «Мен 1942 йил сентябрь ойида Парапин районида 3 қишлоқни немис босқинчиларидан тозаланган вақтда душманларнинг бир неча ёвузлик, жаллодлик ишларини ўз кўзим билан кўрдим, ғазабим қучайди. Ёш болаларни ва 15-20 ёшдаги қизларни ёвузларча найзалаб ўлдириб, кўкракларини кесиб ташлаганлар».

Ўзбек жангчиси И. Алиев ўз хатида немис фашистларининг 1943 йил март ойида Толпин қишлоғини бўшатиб чиқиб кетиш олдидан қилган вахшийликларини ёзади:

«Қишлоққа бир чеккадан ўт қўйилди... Ёндириш навбати Косогованинг уйига келди. Косогова яшириниб ўз уйида қолган эди. Немис жаллодлари Косоговани кўриб қолишди. Уни уйдан етаклаб чиқишди. Косогова қўлидаги бир ярим ёшли Галя деган қизини кўтариб, 5 ёшли ўғилчасини бағрига босиб, уй олдида ётган ёғочга ўтириб олди. Немис солдати унинг ўғилчасини тортиб олди ва 5 метр узоқликда турган арава устига улоқтириб юборди. Шу вақтда уй ёнмоқда эди. Немис жаллоди автоматдан ўқ узиб Косогова ва унинг қўлидаги қизчасини отиб ўлдирди ва ёниб турган олов ичига ташлади».

Гитлерчилар босиб олган шаҳар ва қишлоқларда ишни аввало дор қуриш ва гуноҳсиз одамларни осиб ўлдиришдан бошлаганлар.

Жангчи А. Жаров Андижон областининг донгдор колхозчиси Инобатхон Холдоровага 1944 йил 7 ноябрда ёзган хатида шундай дейди: «Мен украиналикман. Ҳозир менинг қариндошларим қолмади. Фашистлар онамни шомпол билан ўласи қилиб урдилар. Отамни ўлдирдилар, синглимни Германияга ҳайдаб кетдилар».

Архивимизда сақланаётган бундай хатларни кўзда ёш, дилда алам билан ўқийсиз.

Москва архивларида Гитлер армияси офицерларининг қўлга туширилган рапорт, ҳисобот ва бошқа ҳужжатлари сақланади. Бу ҳужжатлар немис фашистларининг баъзи бир қишлоқларда аҳолини ёппасига қириб ташлаганликларини кўрсата д и. Гитлер армияси 15-полиция полкининг рота командири Мюллер 1942 йил 28 сентябрда ёзган рапортида Белоруссиянинг Борки қишлоғидаги аҳолини қириб ташлаш тўғрисидаги буйруғнинг қандай бажарилганлигини хабар қилади. Рапортда совуққонлик билан «Отиш соат 9.00 да бошланди ва 18.00 да тугади... Ҳаммаси бўлиб 705 киши отиб ўлдирилди. Булардан 203 таси эркак, 372 таси аёл, 130 таси бола» деб ёзган.

Жаҳон тарихи бунақанги ёвуз вахшийликларни билмайди. Юқорида келтирилган фактлар фашистларнинг инсоният олдидаги жиноятини равшан кўрсатиб турибди. Бутун дунё халқлари ва айниқса, ССР халқлари фашистлар Германиясининг ҳарбий жиноятчиларини ҳеч вақт кечирмайдилар.

И. АЛИМОВ,
Ўзбекистон ССР Марказий давлат архиви директори.

АВЛОДЛАР, УНУТМАНГ!

— Мен бу воқеаларни сизга айтиб бераётганим йўқ...

— Нега энди менга эмас?

— Йўқ, сизга эмас, авлодларимизга айтаётирман...

Жонажон Ватанимизнинг юраги бўлган Москва остоналарида 1941 йилнинг қишида олиб борилган аёвсиз жанг, бу жангда ўртаосиёлик донгдор генерал Иван Васильевич Панфилов қўмондонлигидаги 8-гвардия дивизияси жангчиларининг мислсиз қаҳрамонликлари ҳақида ёзувчи Александр Бекка сўзлаб бераркан, полковник Бауржон Мўмиш ўғли худди шундай деган эди. Ҳа, Дубосеково разъездида политрук Василий Клочков бошчилигидаги 28 та панфиловчи-баҳодирнинг душманнинг 50 та танки билан қизғин жанг қилиб, «Россия бепоён! Лекин орқага чекинишга бир қадам ҳам жой йўқ! Орқамизда Москва!» дея ёвуз душманни бир қадам ҳам олдинга силжитмаганини; мина парчаси тегиб илитириб қўйган чап қўлини шартта ўзи узиб улоқтириб юбориб, яна жангга кириб кетган қирғиз йигити Бургут Алишеровни; энг хавфли ҳол рўй берганда биринчи бўлиб атакага кўтарилиб, ўндан ортиқ фашистни чавақлаб ташлаган қозоқ Тўлеген Тўхтаровни; батальон штабига душманлар ҳужум қилганда мислсиз мардлик кўрсатган кекса ўзбек жангчиси Жон Файзиевларни авлодларимиз билиб қўймоғи, унутмаслиги керак.

Жаҳоннинг оддий ва софдил кишилари совет халқининг фашизм устидан қозонган буюк ғалабасининг 20 йиллигини ғоят зўр қувонч ва тантана билан, айни замонда уруш ва урушхуморларга қарши чексиз нафрат ва ғазаб билан нишонламоқдалар. Фашизм — офат ва зулмат, қирғин ва ёнғин, азоб ва ўлим демакдир. Агар Улуғ Ленин ғоялари билан суғорилган, қуролланган совет халқи ва унинг шонли Армияси бўлмаганда эди, дунё халқлари гитлер фашизмининг қонли чангалида инграб ётган бўларди. Шунинг учун ҳам жумлаи жаҳоннинг ҳақиқатни англайдиган ҳар бир кишиси совет халқини ана шу қонли чангалдан халоскор деб билади. Халоскор деган ғоят шарафли ном билан қўлига қурол олиб, ёвуз душманни ўз уясигача қувиб бориб унинг ташлаган жангчи, мардона меҳнати билан ғалабани таъминлаган ишчи, деҳқон, зиёлиларимизгина эмас, балки уларнинг қалбларидан қувонч, лабларидан кулги арамаётган ҳозирги бахтиёр авлод ҳам, келажак авлоди ҳам ҳар қанча фахрланса арзийди.

Ўз фарзандини севган ота-она, ўз талабасини севган муаллим ўз авлодини севган жамоатчилик қарийб тўрт йил давом этган Улуғ Ватан уруши ҳақидаги ҳақиқатни уларга баралла айтиб бериши керак. Ғалаба ўз ўзидан келгани йўқ; мислсиз мардликлар, ҳисобсиз тўкилган қонлар, қурбон бўлган азиз жонлар эвазига, қатор-қатор қийинчилик, зўр чидам ва матонат эвазига қўлга киритилди. Ҳозирги ва келажак авлодимиз тинч ва бахтли яшасин деб, Александр Матросов ва Тўйчи Эрйигитовлар ўз кўксилари билан ёв пулеметининг овозини ўчирдилар, бухоролик Камол Пўлатов белига граната латалар боғлаб душан танки тагига ўзини ташлади, отахон генералимиз Собир Раҳимов узоқ Данцигда мардларча ҳалок бўлди, Зоя Космодемьянская, Саша Чекалин, Олег Кошевой, Сергей Тюленинлар ёш ва азиз жонларини ҳам аямадилар. Гўзал парк ва аллеяларда сайр қилиб юрган йигит-қизлар, аудиторияда лекция тинглаётган студентлар, мактаб ҳовлиларида қувноқ ва шўх овозлари жаранглаётган ўғил-қиз л а р и миз буни унутмасинлар. Станок ёнида саккиз соат эмас, балки 16-20 соат ишлашга тўғри келганини, далаларда тракторсиз, от-уловсиз, эркакларсиз хотин-қизлар билак кучлари, юрак ҳарорати билан ҳосил етиштирганликларини, қўлларидаги ҳассаларга таянган бувалар, бувилар, тонг қоронғусидан навбатга туриб, киши бошига 200-400 граммдан нон олганини, ўзлари ичмаса ҳам, ўзлари киймаса ҳам фронт учун, ғалаба учун ҳамма нарсани етказиб бериб турганини ҳозирги авлод билиб қўйсин. Уларга жангдаги мардлик ва жасурлик ҳақида ҳикоя қилиб бериш ҳеч ҳам мақтанчоқлик эмас, уруш пайтидаги қийинчиликларни сўзлаб бериш ҳеч ҳам кўрқоқлик ва ожизлик эмас.

Ёш авлодни ўз она юртига, совет халқига чуқур муҳаббат изҳор қиладиган, чексиз садоқат билан хизмат қиладиган кишилар бўлиб етишувига эришиш уларга берилаётган тарбиянинг бош вазифасидир. Болаларда ватанпарварлик фазилати ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки шахсий намуна кўрсатиш, Ватанимизга ва халқимиз ҳаётини, жумладан Улуғ Ватан урушининг тарихини ҳаққоний ёритиш билан пайдо қилинади ва мустаҳкамланади. «Бизларнинг ҳаммамиз, — деган эди М. И. Калинин, — ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш тўғрисида жуда кўп гапирамиз. Аммо бу тарбия ўз Ватанини чуқур ўрганишдан бошланади-ку, ахир». Болаларга Ватанимизни чуқур ўргатишда Улуғ Ватан уруши дарсини четлаб ўтиш мумкин эмас, албатта.

Душманга Карелия бўйнида учинчи зарба беришда қатнашган, қадимги Нарва шаҳрини озод қилишда, Кенигсбергни эгаллашда мардлик кўрсатган 281-махсус артиллерия дивизионининг штурвалчиси младший сержант Шариф Хушназаров ҳозирги кунда Калинин районидаги Фрунзе номли колхознинг ўзи бошчилик қилаётган участкасидаги далаларда кун бўйи кезиб, кечқурун саккиз фарзанди даврасида жанг эпизодларини айтиб бериб, жуда тўғри қиладi. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдулла Қурбонов ўзи директорлик қилаётган Янгийўлдаги Ильич номли мактаб ўқувчиларига Днепр дарёсини қандай кечиб ўтганликларини, қардош Украина тупроғини душманнинг ифлос оёғидан қандай озод қилганликлари ҳақида сўзларкан, уларга ватанпарварлик тарбиясини ҳам бераётир демакдир.

Баъзи ота-оналар ёки тарбиячи ўртоқлар «ёш болаларга уруш даҳшатларини айтиб, уларни чўчитиш, ҳовлиқтиришнинг нима кераги бор» деб ўйлайдилар. Бизнингча, бундай хавфсирашга ҳеч қандай ўрин йўқ. Николай Островскийнинг машҳур «Пўлат қандай тобланди» романи миллион-миллион ёшларни фақат мардликка, ватанпарварликка ундаётир холос.

Краснодонлиқ ёш гвардиячиларни ҳам мислсиз қаҳрамонлик кўрсатишга руҳлантирган ана шу роман бўлди, дейиш мумкин. Николай Островский келажак авлоднинг курашда қўли қалтирамасин, дея ўша ажойиб асарини яратган эди. А. Фадеевнинг «Ёш гвардия», Б. Полевойнинг «Чин инсон ҳақида қисса» В. Катаевнинг «Полк ўғли», Ойбекнинг «Қуёш қораймас», С. Смирновнинг «Брест қаҳрамонлари» каби жанговар китоблари ёшларимизнинг қўлларидан тушмасликлари бежиз эмас.

Алангали йиллар қиссасини ҳикоя қилишда болаларни мардлик ва жасоратга ундаш билангина кифояланиб қолмай, балки улар қалбида урушга, урушхуморларга қарши нафрат ва ғазаб ҳам уйғотиш шарт. Улуғ шоирлардан бири айтганидек, ғазабланишни билмаган юрак, сева олишни ҳам билмаса керак. Уруш вайронагарчилик, ўлим келтиради, Ҳозирги кунда америкалик ёвузлар тинч ётган вьетнам халқини қўлига қурол олишга мажбур қилмоқда, ҳар куни шаҳар-қишлоқлар ёнмоқда, инсонлар, жумладан тўдаклар ҳалок бўлмоқда. Ғарбий Германияда эса минг-минглаб бегуноҳ кишиларнинг қонини тўккан жаллодлардан анчагинаси ҳукумат паноҳида айш-ишратини суриб, янги уруш очишни ният қилмоқдалар.

Улуғ Ватан урушининг тарихий ғалабасига 20 йил тўлди. Бу буюк ғалаба шарафига деярли ҳар куни радио тўлқинлари орқали алангали йиллар қиссаси янграмоқда, газета саҳифаларида эсдаликлар босилмоқда, жангда қатнашган қаҳрамонлар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Аммо совет халқининг фашизмга қарши олиб борган адолатли кураши воқеаларини авлодларга айтиб туриш мавсумий бўлиб қолмаслиги керак. Буюк ғалабанинг 20 йиллигидан кейин ҳам болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида бу темага тез-тез мурожаат қилиб бериш мақсадга мувофиқдир. Улуғ Ватан уруши даври ўаётини ҳаққоний баён қилиб бериш ота-онанинг, педагогнинг, тарбиячининг, кекса авлоднинг муҳим вазифаларидан бири бўлганидек, эшитган ва кўрганларида тўғри хулоса чиқариб олиш, ўқишда, меҳнатда, тинчлик учун курашда, умуман, коммунистик жамиятни қуришдек улуғвор ишда олдинги жанговар авлод изидан бориш ёшларнинг муқаддас бурчидир.

Б. МИРЗААҲМЕДОВ,
Низомий номли Тошкент педагогика институтининг ўқитувчиси.



Совет танклари Берлинда.

Р. Мазилев фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

ЁДДАН ЧИҚМАЙДИГАН ПАРВОЗ

Совет учувчиларининг нўпларн қатори Абдусамат Тойметов ҳам Улуғ Ватан уруши йилларида шонли жанговар йўлни босиб ўтди. У самода нафрат ўти билан ёниб душманни қирар экан, ғалабага ишонар ва тинч меҳнатга қайтишни орзиқиб кутарди. Ажойиб хизматлари туфайли ўзбек халқининг шонли ўғлони Абдусамат Тойметовнинг кўксини 3 та жанговар Қизил байроқ ордени, 1 даражали Ватан уруши, Қизил Юлдуз орденлари ва жанговар медаллар безади.

...Кунларнинг бирида Марказий фронт штабига шошилинч суратда ҳабар етказиш зарур бўлиб қолди. Бу хабар қамалда қолган совет жангчилари группировка, синнинг тақдирини ҳал қиларди. Вазифани бажаришни, полкнинг энг уддабуро ва жасур учувчиларидан бири Абдусамат Тойметовга юклатилган эди. Мана, Тойметов самолети осмонга кўтарилиб, булутлар пардасини оралаб бормоқда. Тўсатдан унинг олдидан фашистларнинг 2 та самолети чиқиб қолди. Немис қузғунлари совет самолётини осонлик билан уриб туширишга ишонган эдилар. Бироқ улар совет учувчисининг характерини билмас эди. Тойметов моҳирона маневр қилди-да, душман самолетлари ҳужумини қайтариб илгарилаб кетди, хабарни штабга етказди ва сўнг эсон-омон қисмига қайтиб келди.

Уруш йилларида Абдусамат Тойметов 150 дан ортиқ жанговар учишда қатнашган. Шулардан бири бутун умрга эсдан чиқмайди. Жанговар вазифа муваффақиятли бажарилгандан сўнг, уни шонли Коммунистик партия сафига самолетнинг ўзида қабул қилишган эди.

Уруш тугади. У Совет Армияси сафидан қайтгач, Узбекистоннинг тинч трассаларида ҳаво немаларини бошқара бошлади.

Ҳозир коммунист Абдусамат Тойметов пенсионер. Аммо у Граждан авиацияси Узбекистон бошқармасининг ўзига қадрдон бўлиб қолган коллективи билан алоқани узмаган. У шу кунларда ёш учувчиларга ўзининг тажриба ва билимларини ўргатмоқда.

М. ВИШЕДСКИЙ.

УЛАР ҚАЛБИМИЗДА

Халқ учун, Ватан учун, тинчлик учун жонини фидо қилганларни ҳеч ким ёддан чиқармайди ва ҳеч қачон унутмайди. Яқинда Москвадаги «Советский художник» нашриётида босилиб чиққан 36 та яқин открткалар комплекти Улуғ Ватан урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлган совет жангчилари хотирасини абадийлаштириб турибди. Бир қатор открткаларда буюк жанглар бўлиб ўтган майдонлардаги эпизодлар тасвирланган. Ленинград мудофаасининг қатнашчилари, Мамаев қўрғони қаҳрамонлари, Севастополдаги Қора денгиз флоти денгизчиларининг жасоратлари бу открткаларда ўз аксини топган.

Бешта открткага қаҳрамон партизанларга бағишланган. Машҳур разведкачи Совет Иттифоқи Қаҳрамони Николай Кузнецов, пионер партизан Марой Казей, шунингдек николаевлик А. Кабер ва В. Хоменколар, фашистлар қийноғи остида ҳалок бўлган Марите Мельникайте ва бошқаларга турли шаҳарларда қўйилган ҳайкаллар билан ҳам танишасиз.

Учта открткада эса Ленинград, Кишинев, Краснодон комсомолларининг мардликлари тасвирланган.

Шунингдек совет қўшинлари шарафига ГДР, Польша, Чехословакияда ўрнатилган ҳайкаллар ҳам открткалар комплектидан ўрин олган.

Л. БЕКШЕНЕВ.

ҲАМШАҲАРИМИЗ ШАРАФИГА

Тошкентдаги 25-мактаб пионерларининг колоннаси шу мактабда ўқиган Совет Иттифоқи Қаҳрамони Юрий Дмитриевич Ивлев шарафига ёдгорлик лавҳасини очишга бағишланган тантаналли линейкада саф тортиб туришди.

Қаҳрамоннинг ўртоқлари, ўқитувчилар ва унинг синглиси душманнинг 20 танкини, 12 самолётини ва бошқа техникасини яксон қилган учувчи Юрий Ивлев кўрсатган мислсиз жасорат тўғрисида ҳикоя қилганларида, болалар уларнинг сўзини зўр диққат билан тингладилар.

Тантанали сборда Тошкент шаҳар комсомол комитетининг мактаб комсомол ташкилотига Ивлев номини бериш тўғрисидаги қарори ўқиб эшиттирилди.

(ЎзТАГ).

ЖАНГОВАР ЙЎЛ

Тошкент гўшт комбинатида Комил Умаровни танимаган киши йўқ.

— Ҳа, Комил Умаровни ҳаммамиз танимиз. У бу ерда таъминот бўлимининг экспедитори бўлиб 15 йилдан буён ишлайди, — дейишади комбинатдагилар.

Узун бўйли, қотмадан келган бу киши билан бафуржа гаплаша олмадик. У бир жойда турмайди, серҳаракат, комбинат цехлари бўйлаб кезади. Ҳозиргина 40 тонна тузни қабул қилиб олди. Мана энди крахмал ортган 10 машина дарвоза олдида турибди. Ҳали кечгача яна қанча-қанча машиналар карвон бўлиб келади бу ерга.

— Шафиков машиналар сафарга тайёрми? Ун олиб келиш учун 10 та, шакар учун 5 машина тайёрланг. Ўртоқ бухгалтер бизнинг ҳисоб-китобимиз тўғрими? Қандай топшириқларингиз бор?

— Иш жуда кўп. Тошкент катта шаҳар, кўпнинг кўнглини олиш осон эмас.

Камтарин бу киши ажойиб таассурот қолдирди бизда. У билан суҳбатлашямиз-у, иккинчи жаҳон урушида неча минг километр масофани пиёда босиб ўтган, генерал Панфилов билан бир сафда туриб жанг қилган. Москва остоналарида, Белоруссия ўрмонларида, тезоқар дарё қиргоқларида душманнинг даҳшатли бомбалари, тўп зарбаларига бардош берган. Ўнлаб шаҳар ва қишлоқларни немис-фашистлардан озод қилишда қатнашган киши шуми, деб савол берамиз ўз-ўзимизга. Камсухан Комил ака мийигида кулиб:

— Ҳа, жангларда қатнашганмиз, дейди. — Урушнинг биринчи кунидан то ғалаба байрамигача жанг майдонида бўлдик.

Қўлимизда Комил Умаров босиб ўтган жанговар йўллар маршрути, карта. Қўмондонлик томонидан берилган раҳматномалар, орденлар, медаллар, яна бошқа қимматли ҳужжатлар.

Борисов, Минск, Вильнюс, Ренцлау, Ангермюнд, Фирдланд, Нойбранденбург, Штральзбунд, Гриммен, Мальхин, Везенбург, Росток, Варнемюнде, Барт... яна ўнлаб шаҳарлар ёзилган бу рўйхатда. Биз бу шаҳарларнинг рўйхатини ўқиямиз. Лекин ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқ учун олиб борилган жанг тафсилотининг ўзи бир тарих, бир китоб деса бўларди.

Эллик баҳорни кўрган Комил Умаров ажойиб жанговар ҳаёт йўлини босиб ўтган. У миллионлар қатори Улуғ Ватан урушининг биринчи кунидан душман билан олишгани кетган жанговар ўзбек йигитларидан бири. У. Совет Армияси сафида оддий солдатдан офицер даражасига етди. Оз вақт ўтмай взвод, ротага қўмондонлик қилди. Тўпчи, танкчи каби ҳарбий ҳунарларни ўрганиб, неча дарё ва кўлларни кечиб ўтди.

1944 йилнинг октябрь ойи. Урушнинг ҳал қилувчи даври яқин қолган. Худди шу дақиқаларда Ўзбекистон Совет Республикаси ўзининг 20 йиллигини нишонлаб, бу байрамда жангчиларга танк ва ўзиюрар тўплар совға қилишга аҳд қилди. Колхозчи, ишчи, инженер, майли у ким бўлмасин, ҳар бир ўзбек фарзанди топган-тутганини танк сотиб олиш учун тўплади. Шундан

кейин ўзбек халқи жажгармасига келган танклар ва ўзиюрар тўплар худди мана шу Комил Умаров хизмат қилаётган, генерал-лейтенант Панфилов қўмондон бўлган 3- гвардиячи танк корпусига юборилди.

Совет Ўзбекистони 20 йиллиги танкларини олатуриб гвардия байроғи остида генерал Панфилов билан бир сафда Комил Умаров ҳам қасамёд қилди.

— Мен шу Ўзбекларнинг пешона терисига келган забардаст машинани қабул қилиб олар эканман, мана шу зирихли машина билан немис-фашистларини тор-мор қилишга аҳд қиламан, — деди у. Унинг бу қасамёдига гвардия байроғи, корпус солдатлари ва корпус саф тортиб турган Млова шаҳри гувоҳ бўлди. Шундан кейин Ўзбекистон танклари Ғарбга қараб йўл олди. Лейтенант Комил Умаров Ўзбекистон танкида 1200 километр масофани босиб ўтди. Померания, Данциг каби ўнлаб шаҳар ва қишлоқлар бирин-кетин душмандан тозаланди. Нихоят 1944 йил 3 май куни қисмларимиз Висмар шаҳрини олиб, Англия солдатлари билан қўшилдилар. Комил Умаров бошқараётган Ўзбекистон танки ҳеч шикаст емай урушнинг охирги кунигача Ғарбга, фақат Ғарбга қараб босиб борди. Март ойидаги кескин ҳужумда Шимолий Гдиня шаҳри учун бўлган жангда, Гросскац ва Клейнкац деган жойларда немис «тигир»ини ва икки тўпини кўкка совурди. Бу жасорати учун Умаров Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Ўзбекистон танки тўхтагани йўқ. Уни бошқараётган Комилнинг кучига куч қўшилиб, душманга нисбатан нафрати яна оша борди.

Ўрмон орқасига яшириниб, бизнинг қисмларимиз ҳаракатини тўхтатмоқчи бўлган бронепоезд анча тўсқинлик қиларди. Умаров биринчи бўлиб, бронепоездни ўққа тутди. Танка тўпидан чиққан тўққиз снаряд зарбидан бронепоезднинг овози ўчди. Шундан кейин Умаровни жангчи ўртоқлари, командирлар «зирихланган киши» деб атайбошладилар.

Мана оддий ўзбек йигитининг босиб ўтган жанговар йўли. Жангчи Комил Умаров ҳозир ўз элида, меҳнат майдонида коммунизм қуриш ишига кўп қатори ўз улушини қўшаётир. Ўз шогирдларига устоз, меҳрибон ва ғамхўр киши у.

Раҳматилла ИСҲОҚОВ,
Илёс ИНОЯТОВ.

ТЎПЧИ АКРОМ АҲРОРОВ

Полк мактабини муваффақиятли тамомлаган Акром Аҳроров 1940 йили илгари ўзи хизмат қилган артиллерия қисмига сержант бўлиб қайтади. Уни тўпчилар расчетига командир қилиб тайинлайдилар.

Бир куни тушки овқатдан сўнг взвод командири бир неча солдатларга бир кунлик муддат билан шаҳарга чиқишларига рухсат этади. Булар орасида Акром ҳам бор эди. Акром азим қарағайлардан яшил либос кийган белорус шаҳри Липелян тамоша қилишга, ўз ҳамшаҳарлари бўлган Умар ва Исмат деган оғайниларини кўришга шошарди. Улар бошқа қисмда, — миномётчилар батареясида хизмат қилар эдилар. Акром ҳамшаҳар дўстлар ёнига борди, улар билан қанчадан-қанча суҳбат бўлиб ўтди. Қадрдон дўстлар Тошкентни, болалик чоғларини, меҳрибон ота-оналарини эслашди. Ўртоқлар Акромни Тошкентдан келган посилка мевалари билан меҳмон қилдилар. Улфатчилик авжи қизиган маҳалда тўсатдан «Тревога!» эълон қилинди. Ҳамма ўз қисмига, сафдошлари ёнига югурди. Бир зумда бутун-бутун ҳарбий қисмлар жанговар ҳолатга келтирилди. Улфатлар дастурхони йиғилмай ёзуғлигича қолди. Ўша куни 1941 йилнинг 22-июни, якшанба куни эди. Немис босқинчилари совет элига тажовузкорона бостириб кирган кун эди.

Акром Аҳроров ўз қисмига етиб келганида полк штаб бошлиги капитан Карпенко дивизион ва батареялар командирларига топшириқлар бермоқда эди. Сержант Аҳроров командирлик қилаётган тўпга Лепель-Витебск катта йўлини қўриқлаш ва немис танкларини, машиналарини ўтказмаслик топширилди. 152 мм гаубица тўп жанговар ҳолатга келтирилди.

Солдатлар катта йўл ёқасидаги азим қарағайларни қулатиб, улардан танкларга қарши тўсиқ ясашди. Сал ўтмай гитлерчиларнинг бир гала бомбардимончи самолётлари ҳарбий қисм устига бомбалар ташлай бошлади. Ҳаммаёқдан ўт чиқиб ёнғин бошланди. Кўп одамлар қурбон бўлди. Кечқурун узоқдан сон-саноқсиз чироқлар кўрина бошлади. Бу гитлерчилар танклари эди. Жанговар ҳолатда турган тўпчилар олдинга бостириб келаётган темир аждаҳони мўлжалга олишди. Тўплардан бирин-кетин ўқ отила бошланди.

Сержант Аҳроров тўпи ҳам жангга кирди. Ефрейтор Богутский душман танкини мўлжалга олиб, устма-уст бир неча ўқ узди. Биринчи тўқнашувдаёқ ҳисоб очилди — душманнинг уч танки ёниб кетди.

Душман танклари билан бўлган жангда капитан Бойко командирлик қилган тўпчилар дивизиони алоҳида ўрнак кўрсатди. Босқинчилар бу мард тўпчилар ҳимоя қилаётган истеҳкомни 3 кунгача қўлга киритиша олмади. Бу дивизион тўпчилари охирги снаряд қолгунча курашдилар. Сўнг кучлар тенгсизлиги туфайли чекинишга мажбур бўлдилар.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунлари ана шундай оғир чекиниш ҳолатида ўтди. Акром жангларда чиниқди. Моҳир тўпчи бўлиб етишди.

1942 йилнинг сентябрь ойида жангда кўрсатган маҳорати ва тажрибаси учун Акром Аҳроровга младший лейтенант унвони берилади ва тўпчилар батареясига командир қилиб тайинланади.

Акром Аҳроров Калинин шаҳрини немис-фашист босқинчиларидан озод қилишда актив қатнашди, уни шу ерда Коммунистик партия сафига қабул қилишади.

Ржев шаҳри учун жанг олиб борилаётган эди. Гитлерчилар шаҳарга мустаҳкам жойлашиб олиб осонликча таслим бўлгилари келмасди. Мустаҳкам гишт уйларга бекиниб пистирмада пойлаб ётган душманни йўқ қилиш керак эди. Командир Аҳроров буйруғига мувофиқ тўплардан душман истеҳкомларига қақшатғич ўтлар очилди. Натижада фашистларнинг 4 жойдаги пулемёти, 2 кузатув пункти, 3 батареяси яксон қилинди. 70 гитлерчи солдат ва офицер ер тишлаб қолди. Душманнинг ўт очиш нуқталари яксон этилгач, пиёда қўшинларимиз шаҳарни эгалладилар. Гитлер армияси қақшатғич зарбаларга учраб, ғарбга чекинишга мажбур бўлади. Совет қўшинлари босқинчиларни она-Ватан тупроғидан батамом қувиб чиқарадилар. Сўнг жанглар Руминия, Венгрия, Польша, Чехословакия ерларида қизиб кетади.

Душман бир жойда дарёга сапёрлар томонидан солинган кўприкни нишонга олиб ҳеч кимни ўтказмай қўяди. Аҳроров тўпчилари жангга бораётган жангчиларимизга ҳалақит бераётган гитлерчиларни тўпга тутиб мажақлаб ташлайди. Пиёда аскарларимиз ҳужумни давом эттириб шаҳарни қўлга киритадилар.

Шу жангдаги жасорати ва мардлиги учун Акром Аҳроров Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланади. Аҳроров тўпчиларидан Трошин, Тополник, Ермаков, Савельев, Зайцев, Миронов, Қанушкин, Чусаков ва бошқалар «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланадилар.

1945 йилнинг март ойида гитлерчиларнинг Файгисдорф қишлоғи учун қаттиқ жанг кетмоқда эди. Гитлер армияси тепаликка мустаҳкам жойлашиб олиб, қўшинларимизга қаттиқ қаршилик кўрсатади. Мард тўпчилар тунда душманга яқин силжиб оладилар. Тонг ёриши билан ён томондан ўт очадилар. Душман истеҳкоми остин-устун бўлиб кетади. Пиёда аскарлар қишлоққа атака қилиб кирадилар.

Бу жангда Аҳроров батареяси душманнинг тўрт пулемёт нуқтасини, миномет батареясини, қанча машина, мотоцикл ва пиёда аскарларини яксон қилади. Акром Аҳроров Иккинчи даражали Ватан уруши ордени билан мукофотланади. Аҳроров бошлиқ бўлган тўпчилар ҳам орден ва медаллар билан тақдирланадилар.

Оддий солдат бўлиб жангга кетган Акром Аҳроров Ватан олдидаги бурчини шараф билан бажариб, капитан унвонида уйига қайтади. Ҳозир у запасдаги офицер. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим министрлигида старший инспектор бўлиб ишлаётир.

Собит ҒАФУРОВ.

ҚАҲРАМОНЛАР БАРҲАЁТ

Улуғ Ватан уруши йилларида қардош Белоруссия партизанлари сафида немис босқинчиларига қарши курашиб қаҳрамонона ҳалок бўлган ўзбек халқининг садоқатли фарзанди ҒАНИТОЙ ТОШНИЕВ хотирасига бағишлайман.

Жасур элимнинг жасур ўғли қаҳрамон Ғанитой,
Она-Ватанга садоқатли посбон Ғанитой.
Фашист ғазандаларга бермадинг омон Ғанитой,
Жасоратинг-ла бўлиб жангда достон Ғанитой.
Ватаннинг ишқида этдинг фидойи жон Ғанитой,
Эл оғзида яшагайсан замон-замон Ғанитой.
Қадрдон, дўст белорус тупроғида жанг қилдинг,
Поездларин қулатиб, ёв ҳолини танг қилдинг.
Қадамда портлатиб, даҳшат солиб гаранг қилдинг,
Тўкилган қонинг ила ерни лоларанг қилдинг.
Ватаннинг ишқида этдинг фидойи жон Ғанитой,
Элинг дилида яшайсан замон-замон Ғанитой.
Ватан фидоси бўлган партизанлар ўлмайди,
Жаҳонда мангу яшар қаҳрамонлар ўлмайди,
Замон-замонлар ўтар шонли онлар ўлмайди,
Ёзилган қон билан шеър, достонлар ўлмайди.
Ватаннинг ишқида этдинг фидойи жон Ғанитой,
Совет элида яшайсан мудом омон Ғанитой.

КАМТАР.

(Газетанинг навбатдаги сони 12-майда чиқади).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 03806.
Индекс — 64969.
Нашр. № 1757.